| *Педагогик вазифалар*:<br>• Мустақиллик – ўзбек халқининг азалий орзу-интилиши ҳақида маълумот бериш<br>• Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитетининг эълон қилиниши ҳақида маълумот бериш<br>• И.А.Каримов – мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти ҳақида маълумот бериш | *Ўқув фаолияти натижалари:*<br>• Мустақиллик – ўзбек халқининг азалий орзу-интилиши ҳақида маълумотга эга бўладилар<br>• Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитетининг эълон қилиниши ҳақида маълумотга эга бўладилар<br>• И.А.Каримов – мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти ҳақида маълумотга эга бўладилар |
| *Таълим бериш усуллари* | *Кўргазмали маъруза, суҳбат* |
| *Таълим бериш шакллари* | *Оммавий, жамоавий* |
| *Таълим бериш воситалари* | *Ўқув қўлланма, проектор, қўшимча адабиётлар* |
| *Таълим бериш шароити* | *ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория* |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | *Оғзаки назорат: савол-жавоб* |

**1.2.** “Мустақил Ўзбекистон давлатининг ташкил топиши” маъруза машғулотининг технологик харитаси

| ***Иш*** | ***Фаолият мазмуни*** |
|---|---|

| *босқичлари ва вақти* | *Таълим берувчи* | *Таълим олувчилар* |
|---|---|---|
| **1. Мавзуга кириш** *(15 дақиқа)* | 1.1. Машғулот мавзуси, режаси унинг мақсади ва ўқув фаолияти натижалари билан таништиради. (1илова)<br>1.2. .Фойдаланиладиган ўқув адабиётлари билан таништиради. (2 илова)<br>1.2. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари билан таништиради *(3-илова)*. | Тинглайдилар.<br>Тинглайдилар<br>Тинглайдилар |
| **2. Асосий босқич** (55 дақиқа) | 2.1. Power Point дастури ёрдамида слайдларни намойиш қилиш ва изоҳлаш билан мавзу бўйича асосий назарий жиҳатларини тушунтириб беради (4илова)<br>2.2. Талабаларга мавзунинг асосий жиҳатлар такрорланади | Тинглайдилар, ёзадилар.<br>Тинглайдилар, ёзадилар. |
| **3. Якуний босқич** *(10 дақиқа)* | 3.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради,<br>3.2 Мавзу юзасидан якунловчи хулоса қилади.<br>3.3. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаб, берилган адабиётлар билан танишиб келиш топширилади. | Саволлар берадилар.<br>Тинглайдилар.<br>Вазифани ёзиб оладилар. |

**1 илова**

**Мавзу:** Мустақил Ўзбекистон давлатининг ташкил топиши

**Режа:**

1.Мустақиллик – ўзбек халқининг азалий орзу-интилиши
2.Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитетининг эълон қилиниши
3.И.А.Каримов – мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти.

***Ўқув машғулотининг мақсади:*** Мустақил Ўзбекистон давлатининг ташкил топиши бўйича умумий тушунча бериш.

***Ўқув фаолиятининг натижаси:*** Мустақил Ўзбекистон давлатининг ташкил топиши ҳақида маълумотга эга бўладилар.

**2 илова**

Адабиётлар рўйҳати:


- Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. –Т.: “Ўзбекистон”, 1996. 1-жилд, 36-86-бетлар.
- Ўз.ССР Олий Советининг “Ўзбекистонда президентлик боршқарувини таъсис этиш тўғрисида”ги 1990 йил 24 мартда 12-чақириқ 1-сессиясидаги қарори.
- Ўзбекистон Олий Советининг 1990 йил 20 июнь куни 12-чақириқ 2-сессиясида қабул қилинган“Мустақиллик декларацияси”.

- Левитин Л., Карлайл Д. Ислом Каримов – янги Ўзбекистон Президенти. –Т.: “Ўзбекистон”, 1992.

**3 илова**

Ҳар бир маъруза ва амалий машғулот учун 5 дан 2 баллгача қўйилади. Рейтинг бўйича натижалар баҳоси:

5 балл - «аъло»
4 балл - «яхши»
3 балл - «кониқарли»
2 балл - «қониқарсиз»

**4-илова**

**1-режа.**

Биз яшаб турган замин аллоҳнинг назари тушган жаннат-макон ҳудуд ҳисобланади. Бу ерда умргузаронлик қилган бобокалонларимиз бизга, бутун башариятга бой ва улкан маданий мерос қолдирган. Президент И.А.Каримов айтганларидек: “Биз халқни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти орқали биламиз, тарихнинг таг-томиригача назар ташлаймиз”1 деганларида бир олам маъно мужассамлашган. Ватанимиз, халқимиз тарихига назар ташласак аждодларимиз ҳаёти силлиқ, сокин кечмаганлигига гувоҳ бўлапмиз. Бу юрт халқи: эрон аҳмонийлари, юнон-македонлари, турклар, араблар, мўғуллар, подшо Россияси, мустабид совет тузумининг истилочилик ва мустамлакачилик сиёсатининг аччиқ дамларини бошдан кечирган. Шунинг учун ҳам халқимиз ҳар доим озодлик, эрк учун курашган ва интилиб яшаган. Собиқ иттифоқ тузумидаги қатоғонликлар, “қизил террор”га қарамасдан ўзбек халқи мустақилликни қўлга киритишга тинимсиз ҳаракатлар олиб борди. 1985 йилдан бошланган собиқ иттифоқдаги “қайта қуриш” сиёсати халқимизнинг мустаққиллик йўлида янада фаолроқ интилишига олиб келди. 1989 йил июнидан Республикада сиёсий вазият чигаллашган бир пайтда, мамлакатимиз сиёсат саҳанасига И.А.Каримов келади. Ўз халқига, она-Ватанига бўлган чексиз муҳаббат, оллоҳ берган ақл-заковат ва катта ҳаётий тажриба И.А.Каримовга нафақат Республикани “ҳалокатли жар ёқасидан сақлаб қолди. Балки, унинг ташаббуслари билан босқичма-босқич Республика мустақиллик сари дадил қадам ташлади. Бу тарихий жараёнлар қуйидагиларда кўзга ташланади:

- 1989 йил 21 октябрда Ўзбекистонда “Давлат тили тўғрисида” қонун қабул қилинди.

-1990 йил 24 мартда ЎзССР Олий Советининг 12-чақириқ 1-сессиясида “Ўзбекистонда президентлик бошқарувини таъсис этиш тўғрисида” қарор қабул қилинди.

1990 йил 29 октябрда ЎзССР Олий Советининг 3-сессиясида “вужудга келган аҳволдан чиқишнинг йўли Республиканинг иқтисодий мустақиллигига эришувини таъминлашга қаратилган ислоҳотларни ўтказишдан иборат” – дейилди.

-1991 йил 17 мартида умумхалқ референдумида иштирокчиларининг 93,9 фоизи мустақиллик учун овоз берди.

-1991 йил 15 февралида ЎзССР Олий Совети “Ўзбекистоннинг давлат рамзлари ҳақида” қарор қабул қилди.

-1991 йил 22 июлида Республика Олий Кенгашининг Президиуми “Ўзбекистон ССР ҳудудидаги иттифоққа бўйсунувчи давлат корхоналари Ўзбекистон ССРнинг ҳуқуқий тобелигига ўтказиш тўғрисида”ги қарори мустақиллик йўлида қўйилган тўғри ва ишончли қадам бўлди.

-1991 йилнинг 21 август куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши билан "Фавқулодда ҳолат давлат қўмитаси" қарорлари ва фармойишлари Республикада ноқонуний деб эълон қилинди.
-1991 йил 25 августдаги Президент Фармони билан Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик қўмиталари ва уларнинг қўшинлари республика тасарруфига ўтказилди.
Шундай қилиб Республикада мустақиллик эълон қилиш учун тўлиқ шарт-шароит яратилди.

**2-режа.**

1991 йил 31 август куни Тошкентда Ўзбекистон Олий Кенгашининг навбатдан ташқари 12-чақириқ 6-сессияси ўз ишини бошлади.
Бунда:
1. "Ўзбекистон Республиксининг давлат мустақиллиги тўғрисида".
2. "Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи тўғрисида"ги масалалар кун тартибига киритилди.
Олий Кенгаш депутатлари 17 моддадан иборат "Ўзбекистон Республикаси мустақиллик асослари тўғрисида"ги қонунни қабул қилди. "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида"ги қарорининг қабул қилиниши билан 1 сентябрь – Ўзбекистон Республикасининг Мустақллик куни, деб белгиланди.
1991 йил 31 август кунидаги "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги қабул қилинган Қонунга Конституциявий мақом берилади.
Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Конституциявий моддаларига "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги қонуннинг моддаларига зид келган ҳолларда мазкур фонунга амал қилинади" – дейилади.
Олий Кенгаш йиғилишида Давлат рамзлари ҳақидаги масала ҳам муҳокама қилинди.
Шундай қилиб халқимизнинг асрий орзуси, умидлари ушалди – узоқ йиллар давомида кураш туфайли халқимиз сиёсий қарамликдан батамом озод бўлиб, мустақилликни қўлга киритди.
Мамлакатнинг бир тизимдан иккинчи бир тизимга ўтишда ЭНТОРПИЯ ҳодисаси кузатилади.
Мустақил давлат бу (арабча – "мустақил", қарам эмас, эркин) – давлатнинг асосий шакли. Мустақил давлатнинг асосий белгилари:1
Давлат ўзининг дахлсиз ҳудудига ва даҳлсиз давлат чегарасига эга.
Давлат шахсни фуқароликка қабул қилиш ва уларни фуқароликдан маҳрум этиш ҳуқуқига эга.
Давлат ҳокимияти 3 тармоққа бўлинади: а) қонун чиқарувчи, б) ижро этувчи, в) суд ҳокимиятларига.
Давлат ўз ҳарбий тузилмаси ва қўшинига эга.
Давлат халқаро ҳуқуқ субъекти бўлиб, хорижий давлатлар билан мустақил равишда алоғалар ўрнатиш ёки бу алоғаларни узиш ҳуқуқига эга.
Давлат ўз давлат бюджетига, ўз мулкига, молия ва солиқ тизимига эга.
Давлат ўз хазинаси ва пул бирлигини – миллий валютасини жорий қилиш ҳуқуқига эга.
Давлат ўз жиноят ва фуқаролик, оила ва никоҳ, уй-жой, ер, сув тўғрисидаги қонунларга эга шунингдек, суд тизими, суд тузилиши ва суд ишларини ўзи юритиш ҳуқуқига эга.
Давлат ўз рамзлари ва пойтахтига эга.
Давлат ўзининг тилига эга. Бу қонун асосида ёки анъана асосида аниқланади.
Давлат ўзининг тараққиёт йўлини, ўз номини белгилаш, ўз маъмурий тизимини белгилаш ҳуқуқига эга.
Давлат сўров (референдум) эълон қилиш ҳамда ҳокимият ва бошқариш органлари тартибини белгилаш ҳуқуқига эга.

**3-режа.**

1991 йил 18 ноябрида Ўзбекистон Олий Кенгашининг 8-сессиясида "ЎЗбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида" Қонун қабул қилинди. Бу қонунга кўра ёши 35 дан кам 65 дан ортиқ бўлмаган Ўзбекистон фуқароси сайланиши мумкин дейилади, 5 йиллик муддатга.

1991 йил 29 декабрдаги Республика Президентини сайлашга Марказий сайлов комиссияси 13 та сайлов округи ва қарийб 7 мингта сайлов участкаларини ташкил этди.

Тарғибот ишларида номзодларга тенг шарт-шароитлар яратилди. Сайлов жараёнида сайловчиларнинг фаоллигини ошириш мақсадида сайлов комиссияси таркибига 7500 киши жалб этилди.

Сайлов муқобиллик асосида ўтказилиб икки номзод:

1) ХДП ва Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясининг номзоди И.А.Каримов;

"Эрк" демократик партияси вкили Салой Мадаминовлар номзоди сайлов бюллетинига киритилди.

Сайлов якунларига кўра 8 млн.514 136 сайловчи, яъни сайловда иштирок этганларнинг 86 фоизи И.А.Каримов номзодига, 1 млн.220 минг 474 сайловчи (12,3 фоиз) Салой Мадаминов номзодини ёқлаб овоз бердилар.

Ўзбекистон Конституциясининг 35-моддасига асосан сайлов якунига кўра И.А.Каримов Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб сайланди.

1992 йил 4 январда Олий Кенгашнинг навбатдан ташқари 9-сессиясида И.А.Каримов қасамёд қабул қилди.

И.А.Каримов

- 1938 йилда таваллуд топган (Самарқанд ш.)
- Ўрта Осиё политехника институти ва Тошкент халқ хўжалиги институтини тугатган.
- 1960 йил "Ташселмаш" заводида мастер ёрдамчиси, мастер, технолог бўлиб ишлаган.
- 1961 йилдан Чкалов номидаги Авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида муҳандис, етакчи муҳандис-конструктор бўлиб ишлаган.
- 1966 йилдан Ўзбекистон Давлат план комитетида фан ва техникани жорий этиш бўлими бошлиғи лавозидан Давлат план комитети раисининг биринчи муовинигача бўлган йўлни босиб ўтган.
- 1983 йилдан республика Молия вазири.
- 1986 йил декабридан ЎзКП Қашқадарё вилояти партия комитетининг биринчи котиби.

-1989 йил июнидан ЎзКП МКнинг биринчи котиби.

1990 йил 24-мартида ЎзР Олий Кенгаши сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланган

1991 йил 29 декабрда муқобиллик асосида умумхалқ сайловида Республика Президенти этиб сайланган.

- ЎзР Конституциясининг 89-моддасига кўра, айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг раиси ҳам ҳисобланади.

- 1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигини эълон қилган.
- 1995 йил 26 мартдаги умумхалқ референдумида И.А.Каримовнинг Президентлик ваколати 1997 йилдан 2000 йилгача узайтирилган.
- 2000 йил 9 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланган.
- 2007 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенгти этиб сайланган.
- Мамлакатимиз ҳаётига оид кўплаб асарлар муаллифи.

## МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

| | |
|---|---|
| **2-мавзу** | **ЯНГИ ЖАМИЯТГА ЎТИШ ДАВРИДА СИЁСИЙ ИСЛОҲОТЛАР** |

## 1.1. Таълим бериш технологиясининг модели

| *Машғулот вақти*-2 соат | Талабалар сони: 40-50 гача |
|---|---|
| ***Машғулот шакли*** | **ахборотли маъруза** |
| *Маъруза режаси* | Режа:<br>7. Сиёсий ислоҳотлар концепцияси.<br>8. Ўзбекистонда Олий давлат вакиллик органининг шаклланиши<br>9. Олий мажлиснинг қонунчилик фаолияти<br>10. Маҳаллий бошқарувдаги туб ўзгаришлар |
| *Ўқув машғулотининг мақсади:*. Янги жамиятга ўтиш даврида сиёсий ислоҳотлар тўғрисида маълумот бериш. | |
| *Педагогик вазифалар*:<br>• Сиёсий ислоҳотлар концепцияси ҳақида маълумот бериш<br>• Ўзбекистонда Олий давлат вакиллик органининг шаклланиши ҳақида маълумот бериш<br>• Олий мажлиснинг қонунчилик фаолияти ҳақида маълумот бериш<br>• Маҳаллий бошқарувдаги туб ўзгаришлар ҳақида маълумот бериш | *Ўқув фаолияти натижалари:*<br>• Сиёсий ислоҳотлар концепцияси ҳақида маълумотга эга бўладилар<br>• Ўзбекистонда Олий давлат вакиллик органининг шаклланиши ҳақида маълумотга эга бўладилар<br>• Олий мажлиснинг қонунчилик фаолияти ҳақида маълумотга эга бўладилар<br>• Маҳаллий бошқарувдаги туб ўзгаришлар ҳақида маълумотга эга бўладилар |
| *Таълим бериш усуллари* | *Кўргазмали маъруза, суҳбат* |
| *Таълим бериш шакллари* | *Оммавий, жамоавий* |
| *Таълим бериш воситалари* | *Ўқув қўлланма, проектор, қўшимча адабиётлар* |
| *Таълим бериш шароити* | *ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория* |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | *Оғзаки назорат: савол-жавоб* |

**1.2.** “Янги жамиятга ўтиш даврида сиёсий ислоҳотлар” маъруза машғулотининг технологик харитаси

| ***Иш*** | ***Фаолият мазмуни*** |
|---|---|

| *босқичлари ва вақти* | *Таълим берувчи* | *Таълим олувчилар* |
|---|---|---|
| **1. Мавзуга кириш** *(15 дақиқа)* | 1.1. Машғулот мавзуси, режаси унинг мақсади ва ўқув фаолияти натижалари билан таништиради. (1илова)<br>1.2. .Фойдаланиладиган ўқув адабиётлари билан таништиради. (2 илова)<br>1.2. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари билан таништиради *(3-илова)*. | Тинглайдилар.<br>Тинглайдилар<br>Тинглайдилар |
| **2. Асосий босқич** (55 дақиқа) | 2.1. Power Point дастури ёрдамида слайдларни намойиш қилиш ва изоҳлаш билан мавзу бўйича асосий назарий жиҳатларини тушунтириб беради (4илова)<br>2.2. Талабалар билимларини фаоллаштириш ва мустаҳкамлаш мақсадида таянч тушунчалар берилади (5 илова)<br>2.3. Талабаларга мавзунинг асосий жиҳатлар такрорланади | Тинглайдилар, ёзадилар.<br>Талабалар берилган тушунчаларга таъриф берадилар ва муҳокама қиладилар.<br>Тинглайдилар, ёзадилар. |
| **3. Якуний босқич** *(10 дақиқа)* | 3.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради,<br>3.2 Мавзу юзасидан якунловчи хулоса қилади.<br>3.3. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаб, берилган адабиётлар билан танишиб келиш топширилади. | Саволлар берадилар.<br>Тинглайдилар.<br>Вазифани ёзиб оладилар. |

**1 илова**

**Мавзу:** Янги жамиятга ўтиш даврида сиёсий ислоҳотлар

**Режа:**

1.Мустақиллик – ўзбек халқининг азалий орзу-интилиши
2.Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитетининг эълон қилиниши
3.И.А.Каримов – мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти.

***Ўқув машғулотининг мақсади:*** Янги жамиятга ўтиш даврида сиёсий ислоҳотлар бўйича умумий тушунча бериш.

***Ўқув фаолиятининг натижаси:*** Янги жамиятга ўтиш даврида сиёсий ислоҳотлар ҳақида маълумотга эга бўладилар.

**2 илова**

Адабиётлар рўйҳати:


- Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. ЎЗбекистон:миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. –Т.: “Ўзбекистон”. 1-жилд, 1996. 36-85-бетлар.

- Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. –Т.: “Ўзбекистон”. 16-жилд, 2008.
- Каримов И.А. Парламент – жамият ҳаётининг кўзгуси. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.:”Ўзбекистон”, 13-жилд. 2005й.156 – 173-бетлар.

**3-илова**

**Маърузада 5 дан 2 баллгача қўйилади. Рейтинг бўйича натижалар баҳоси:**

5 балл - «аъло»
4 балл - «яхши»
3 балл - «коникарли»
2 балл - «қоникарсиз»

**4-илова**

**1-режа**

1990 йил 18 февралда Ўзбекистон Олий Кенгашининг навбатдаги таркиби сайланди. Бу таркиб 1990-1994 йилларда фаолият кўрсатиб куйидаги тарихий ишларни бажарди: биринчи маротаба мамлакатимиз тарихида Президентни сайлади; Мустақиллик Декларациясини эълон қилди; Ўзбекистоннинг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида Конституциявий қонун асосларини ишлаб чиқди.

1990-1994 йилларда Олий Кенгаш томонидан давлатимиз ҳаётига оид 200 га яқин қонун, 500 дан зиёд қарорлар қабул қилди.

1993 йил 28 декабрда бўлиб ўтган Олий Кенгашнинг 14-сессиясида “Ўзбекистон Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида”, 1994 йил 22 сентябрда Олий Кенгашнинг 16-сессиясида “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўғрисида” қонунлар қабул қилинди. Бу тарихий ҳужжатларнинг зарурати шундан иборат эди-ки:

-биринчидан, Республикадаги барча қонун ва меъёрий ҳужжатлар Иттифоқ даврида қабул қилинган бўлиб, янги жамиятнинг туб мақсадларини амалга оширишга тўсқинлик қилмоқда эди;

иккинчидан, Ўзбекистон ўз олдига ҳуқуқий демократик давлат қуриш, бозор муносабатларига асосланган инсонпарвар фуқаролик жамиятини қуриш вазифаларини мақсад қилиб олган эди. Шунинг учун ривожланган мамлакатлар қонунчилик тажрибасидан фойдаланиш талаб этилар эди;

учинчидан, мустақил тараққиёт йўлида вужудга келаётган миллий давлатчилигимиз мафкуравий таъсирлардан ҳоли, халқмизнинг аҳлоқий-маънавий, руҳий қадриятларига мос бўлмоғи лозим эди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси белгилаб берганидек, қонун чиқарувчи – Олий Мажлис сайловлари билан боғлиқ масалани ҳал этмоғи лозим эди.

1994 йил 22 сентябрдаги Олий Кенгашнинг 16-сессияси Олий Мажлисга, вилоят, шаҳар ва туман кенгашларига сайловлар ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди. Бу сайловларни ўтказиш бўйича катта тайёргарлик ишлари олиб борилди. Натижада 250 сайлов округи ва 7192 участка сайлов комиссиялари тузилди.

Сайловларга номзод кўрсатиш бўйича кўппартиявийлик ва муқобиллик таъминланди.

Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органи шаҳар ва туман кенгашлари депутатлигига партиялар томонидан салкам 6000 номзод кўрсатилди.

Олий Мажлис депутатлигига:

- ЎзХДП - 247
- Ватан таркқиёти - 146
- Ҳокимият вакиллик органларининг - 250 номзоди тавсия этилди.

Натижада Олий Мажлисга 250 депутат сайланиб янги парламент демократик йўл билан шакллантирилди.

1995 йил 23-24 фефралда янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1-сессияси бўлиб ўтди. Унда Президент И.А.Каримов нутқ сўзлади.
Сессияда Олий Мажлис раиси (Э.Халилов) ва 4 кишидан иборат раис ўринбосарлари (Бугров, Шодиева, Қосимов, Аширбеков (ККР) сайланди. Қонунларни ишлаб чиқишни асосий йўналишларини ҳисобга олган ҳолда Мандат комиссияси ва 12 та қўмита ташкил этилди.

**2- режа**

*Олий Мажлиснинг Олий Кенгашдан фарқи:*
биринчидан, Олий Мажлисга сайлов кўппартиявийлик, муқобиллик асосида бўлди;
иккинчидан, сайловга синфий ёндашувдан воз кечилди;
учинчидан, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширувчи парламент доимий ишлаш мақомига эга бўлди;
тўртинчидан, Олий Мажлис депутатлари ўз сайлочилари билан алоқада ва мулоқотда бўладиган бўлди.
1995-1997 йилларда Олий Мажлиснинг 7 та сессияси бўлиб ўтди. Уларда 100 га яқин қонун 120 дан ортиқ қарорлар қабул қилди.
Бу даврда:
“Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисидап” қонун
“Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий доктринаси тўғрисида” Қонун (1995)
“Ўзбекистон Давлат хавфсизлиги тўғрисида” Қонун (1996 йил апрел 6-сессия)

“Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида” Қонун (1996й.декабрь, 7-сессия) қабул қилди.

**3- режа**

Истиқлол йилларида маҳаллий ҳокимият органлари туб ислоҳ қилинди. Бунга қуйидагилар сабаб бўлди:биринчидан, вилоят, шаҳар, туманлардаги ҳокимият органлари ҳисобланган халқ депутатлари кенгашлари демократик тарзда шакллантилиган бўлса-да, амалда эски ғоялар билан ўралашиб қолган эди;иккинчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари мустақиллигини кенгайтиришни тақозо этарди. Янгича муносабатларга ўтиш жараёнида маҳаллий ҳокимият органлари ўз ҳудудининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга бевосита масъул бўлишни талаб қиларди. Шунинг учун ҳам қуйидаги қабул қилинган ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларда бу масала ўз аксини топди:- Ўзбекистон Республикаси Конституциясида;
- “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” ги Қонун (1993 й.сентябрь);
-“Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқари идоралари тўғрисида”ги Қонун (1993й.сентябрь);
Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 99-моддасига кўра вилоятлар, туманлар, шаҳарларда ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари кенгашлари ҳокимиятининг вакиллик органлари ҳисобланади.
Уларнинг ваколат муддатлари 5 йил бўлиб, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари, давлат ҳокимияти юқори органларининг қарорларидан келиб чиққан ҳолда ҳудудини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалалари билан шуғулланади.

**5-илова**

**Таянч тушунчалар**

- **Сиёсат**
- **Ислоҳот**
- **Парламент**
- **Миллий давлат**
- **Ҳокимият**
- **Ҳокимиятнинг вакиллик органлари**
- **Ратификация**
- **Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқарув идоралари**
- **Демократия**
- **Демократик давлат**
- **Ҳуқуий давлат**

## МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

| | |
|---|---|
| **3-мавзу** | **Мустақил Ўзбекистон таркибида суверен Қорақалпоғистон Республикаси** |

### 1.1. Таълим бериш технологиясининг модели

| | |
|---|---|
| ***Машғулот вақти*-2 соат** | **Талабалар сони: 40-50 гача** |
| ***Машғулот шакли*** | **ахборотли маъруза** |
| *Маъруза режаси* | Режа:<br>11. Кириш. (Қорақалпоқлар тарихидан).<br>12. Суверен Қорақалпоғистон давлатининг ташкил топиши.<br>13. Истиқлол йилларида Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилган ислоҳотлар |
| *Ўқув машғулотининг мақсади:*. Мустақил Ўзбекистон таркибида суверен Қорақалпоғистон Республикаси тўғрисида маълумот бериш. | |
| *Педагогик вазифалар*:<br>• Қорақалпоқлар тарихи ҳақида маълумот бериш<br>• Суверен Қорақалпоғистон давлатининг ташкил топиши ҳақида маълумот бериш<br>• Истиқлол йилларида Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилган ислоҳотлар ҳақида маълумот бериш | *Ўқув фаолияти натижалари:*<br>• Қорақалпоқлар тарихи ҳақида маълумотга эга бўладилар<br>• Суверен Қорақалпоғистон давлатининг ташкил топиши ҳақида маълумотга эга бўладилар<br>• Истиқлол йилларида Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилган ислоҳотлар ҳақида маълумотга эга бўладилар |
| *Таълим бериш усуллари* | *Кўргазмали маъруза, суҳбат* |
| *Таълим бериш шакллари* | *Оммавий, жамоавий* |
| *Таълим бериш воситалари* | *Ўқув қўлланма, проектор, қўшимча адабиётлар* |
| *Таълим бериш шароити* | *ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория* |

| *Мониторинг ва баҳолаш* | *Оғзаки назорат: савол-жавоб* |
|---|---|

**1.2.** "Мустақил Ўзбекистон таркибида суверен Қорақалпоғистон Республикаси " маъруза машғулотининг технологик харитаси

| ***Иш босқичлари ва вақти*** | ***Фаолият мазмуни*** | |
|---|---|---|
| | ***Таълим берувчи*** | ***Таълим олувчилар*** |
| **1. Мавзуга кириш** *(15 дақиқа)* | 1.1. Машғулот мавзуси, режаси унинг мақсади ва ўқув фаолияти натижалари билан таништиради. (1илова)<br>1.2. .Фойдаланиладиган ўқув адабиётлари билан таништиради. (2 илова)<br>1.2. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари билан таништиради *(3-илова).* | Тинглайдилар.<br>Тинглайдилар<br>Тинглайдилар |
| **2. Асосий босқич** (55 дақиқа) | 2.1. Power Point дастури ёрдамида слайдларни намойиш қилиш ва изоҳлаш билан мавзу бўйича асосий назарий жиҳатларини тушунтириб беради (4илова)<br>2.2. Талабалар билимларини фаоллаштириш ва мустаҳкамлаш мақсадида таянч тушунчалар берилади (5 илова)<br>2.3. Талабаларга мавзунинг асосий жиҳатлар такрорланади | Тинглайдилар, ёзадилар.<br>Талабалар берилган тушунчаларга таъриф берадилар ва муҳокама қиладилар.<br>Тинглайдилар, ёзадилар. |
| **3. Якуний босқич** *(10 дақиқа)* | 3.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради,<br>3.2 Мавзу юзасидан якунловчи хулоса қилади.<br>3.3. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаб, берилган адабиётлар билан танишиб келиш топширилади. | Саволлар берадилар.<br>Тинглайдилар.<br>Вазифани ёзиб оладилар. |

**1 илова**

**Мавзу:** Мустақил Ўзбекистон таркибида суверен Қорақалпоғистон Республикаси

**Режа:**

1. Кириш. (Қорақалпоқлар тарихидан).
14. Суверен Қорақалпоғистон давлатининг ташкил топиши.
15. Истиқлол йилларида Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилган ислоҳотлар

***Ўқув машғулотининг мақсади:*** Мустақил Ўзбекистон таркибида суверен Қорақалпоғистон Республикаси бўйича умумий тушунча бериш.

***Ўқув фаолиятининг натижаси:*** Мустақил Ўзбекистон таркибида суверен Қорақалпоғистон Республикаси ҳақида маълумотга эга бўладилар.

**2 илова**

**Адабиётлар рўйҳати**:


1. Каримов И.А. Янгича тафаккур – замон талаби. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессиясида сўзланган нутқ, 1997 йил 17 июль. Хавсизлик ва барқарор тараққиёт йўлиди.6-жилд.268-285-бетлар.
2. Каримов И.А. "Орол муаммолари, уларни аҳоли генофонди, ўсимлик ва ҳайвонат оламига таъсири ҳамда оқибатларини енгиллапштириш учун халқаро конференциялари иштирокчиларига". 2008-йил 12 март. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. 16-жилд.281-287-бетлар.
3. Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси. Нукус, "Қорақалпоғистон", 1998.
4. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарх. Т."Ўзбекистон", 1996.
5. Мустақил Ўзбекистон тарихи. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 3-жилд. 132 – 149-бетлар.


**3-илова**

**Маърузада 5 дан 2 баллгача қўйилади. Рейтинг бўйича натижалар баҳоси:**

5 балл - «аъло»
4 балл - «яхши»
3 балл - «кониқарли»
2 балл - «қониқарсиз»

**4-илова**

**1-режа**

Қорақалпоқ халқининг келиб чиқиш тарихи Шарқнинг қадимги манбаларига бориб тақалади. Беҳустон ёзувларида милоддан аввалги 6-асрда Қорақалпоғистон ҳудудида сака тиграхауда (чўққи кигиз қалпоқли) қабилалари яшаганлиги ҳақида маълумотлар берилган.

6 – 8-асрларда Орол денгизи атрофида бижанак ва ўғуз қабалалари яшаган. Бижанаклар қорақалпоқларнинг аждоди ҳисобланади. 8 – 10-асрларда қорақалпоқ халқи ташкил топаётган даврда Орол атрофи Кердер вилояти деб аталган.

12 – 13-аср рус йилномаларида қорақалпоқлар "черные колабуки", шарқ манбаларида эса "қора бўркли" деб номланган.

16-асрга келиб хитой, қипчоқ, кенагас, манғит, қўнғирот, муйтен қабилаларидан қорақалпоқлар шаклланган.

1992 йил 14 декабрда Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши 11 сессиясида давлат байроғини;

1993 йил 9 апрелда ҚҚР Олий Кенгаши 12-сессиясида давлат гербини;

1993 йил 4-декабрда Олий Кенгашнинг 147-сессиясида Давлат мадҳиясини қабул қилди

1994 йил 25 декабрда Олий Кенгашнинг 86 депутатдан иборат янги таркиби муқобиллик асосида сайланди. Парламент Қорақапоғистон Республикасининг "Жўқорги Кенгеси" деб аталади. Унинг таркибида раис, 4 раис ўринбосарлари, 8 та қўмита ва унинг аъзолари мавжуд.

Жўқорги Кенгес томонидан демократик жамият қуриш, эркин бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилган қонунлар қонунлар қабул қилинмоқда.

Қоракпоғистон Республикаси ҳокимият бўлиниши – қонун чиқарувчи (Жўқорги Кенгес), ижро этувчи (Вазирлар кенгаши), суд.

Шундай қилиб, Қорақалпоғистон Республикасида Ўзбекистон билан тақдирлари муштарак бўлган тараққиё йўлига асос солинди.

**2-режа**

Ўзбекистон таркибида ўтган тарих Қорақалпоқ халқи учун жиддий ўзгаришлар даври бўлди. Собиқ Иттифоқ давридаги маъмурий-буйруқбозлик, сохта ва асоссиз юритилган миллий сиёсат бу маконда бир неча асрлардан буён яшаб келаётган халқларнинг муносабатларига рахна сола олмади. Тоталитар давлат сиёсати кичик сонли халқларнинг манфаатига мос келмас эди. Шунинг учун ҳам Қорақалпоқлар тақдирида собиқ иттифоқ давридаги сиёсат натижасида бу ўлка суст ривожланди. Бу сиёсатдан Оролнинг қуриши, ерларнинг шўрланиши оғир мерос бўлиб қолди. Минтақа экологик ҳалокат ёқасига келиб қолганди.

1993 йил 9 апрелда (71-моддага асосан) Қорақалпоғистон Республикаси ўз Конституциясини қабул қилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг "Давлат суверенитети" деб номланган бобида "Қорақалпоғистон Ўзбекистон таркибига кирувчи суверен демократик республика" дейилган. Қорақалпоғистон Республикаси ҳудуди бўлинмас ва дахлсиздир. Қорақалпоқ тили давлат тили ҳисобланади. Қорақалпоғистон Республикаси фуқароси айни пайтда Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланади.

1992 йил 14 декабрда Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши 11 сессиясида давлат байроғини;

1993 йил 9 апрелда ҚҚР Олий Кенгаши 12-сессиясида давлат гербини;

1993 йил 4-декабрда Олий Кенгашнинг 147-сессиясида Давлат мадҳиясини қабул қилди

1994 йил 25 декабрда Олий Кенгашнинг 86 депутатдан иборат янги таркиби муқобиллик асосида сайланди. Парламент Қорақапоғистон Республикасининг "Жўқорги Кенгеси" деб аталади. Унинг таркибида раис, 4 раис ўринбосарлари, 8 та қўмита ва унинг аъзолари мавжуд.

Жўқорги Кенгес томонидан демократик жамият қуриш, эркин бозор муносабатларини шакллантиришга қаратилган қонунлар қонунлар қабул қилинмоқда.

Қоракпоғистон Республикаси ҳокимият бўлиниши – қонун чиқарувчи (Жўқорги Кенгес), ижро этувчи (Вазирлар кенгаши), суд.

Шундай қилиб, Қорақалпоғистон Республикасида Ўзбекистон билан тақдирлари муштарак бўлган тараққиё йўлига асос солинди.

**3-режа**

Иқтисодий тараққиёт.

1996 йилда Қорақалпоғистон халқ хўжалигини ривожлантириш учун Ўзбекистон Бюджетидан 10 млрд. сўмлик маблағ ажратилди. Бу Қорақалпоғистон миллий даромадининг 55 фоизни ташкил этади.

Бугунги кунда Қорақалпоғистонга Ўзбекистон берилаётган субвенция – яъни, моддий ёрдам 9 млрд сўмни ташкил этмоқда, бу Қорақалпоғистон бюджети харажатларининг 75 фоизини ташкил этади.

Қорақалпоғистонда ишлаб чиқаришда иштирок этаётган хусусий сектор 80 – 90 фоизни ташкил этади.

Банк тизимида давлат банки билан биргаликда тижорат ва хсусий банклар фаолият кўрсатмоқда.

Саноат ишлаб чиқаришда нодавлат корхоналарнинг улуши 90 фоизни ташкил этади. Республикада 144 саноат корхоналари, 113 таси мулкчиликнинг турли шаклларида фаолият кўрсатмоқда.

1995 йилда Хўжайлида шиша идишлари заводи ишга туширилди.

1996 йилда Қўнғиротда "Урга" газ саноати норхонаси газ қазиб ола бошлади. Аҳолининг газ билан таъминоти 83 фоизга етди.

1993 йилда Нукусда "Катекс", 1995 йилда Элликқалъада "Элтекс" номли тўқимачилик мажмуалари ишга туширилди.

Нукус, Қўнғирот ун комбинатлари, Тўрткўлда консерва заводи, Элликқалъада консерва цехи ишга тушган.
“Қорақалпоғистон” иссиқхона хўжалигида Исроилнинг “Нетафим” компанияси технологияси асосида томчилатиб суҳориладига суғориш усулининг қўлланилиши натижасида меҳнат унумдорлиги 4-5 бараварга ошган.

**5-илова**

- Бижанаклар
- Қўнғирот иттифоқи
- Ўн тўрт уруғ иттифоқи
- Тоталитар давлат
- Декларация
- Суверенитет

# МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

| | |
|---|---|
| **4-мавзу** | Ўзбекистонда ҳуқуқий, демократик давлат қурилиши. Фуқаролик жамияти асосларининг шакллантирилиши |

## 1.1. Таълим бериш технологиясининг модели

| ***Машғулот вақти*-2 соат** | **Талабалар сони: 40-50 гача** |
|---|---|
| ***Машғулот шакли*** | **ахборотли маъруза** |
| *Маъруза режаси* | **Режа:**<br>16. Демократияни янада чуқурлаштириш. Кўппартиявийлик<br>17. Сохта демократларнинг экстремистик йўл билан ҳокимият учун кураши, уларнинг халқ томонидан бадном қилиниши<br>18. Жамиятни эркинлаштиришнинг янги босқичи |

*Ўқув машғулотининг мақсади:*. Ўзбекистонда ҳуқуқий, демократик давлат қурилиши. Фуқаролик жамияти асосларининг шакллантирилиши тўғрисида маълумот бериш.

| *Педагогик вазифалар*: | *Ўқув фаолияти натижалари:* |
|---|---|
| • Демократияни янада чуқурлаштириш. Кўппартиявийлик ҳақида маълумот бериш<br>• Сохта демократларнинг экстремистик йўл билан ҳокимият учун кураши, уларнинг халқ томонидан бадном қилиниши ҳақида маълумот бериш<br>• Жамиятни эркинлаштиришнинг янги босқичи ҳақида маълумот бериш | • Демократияни янада чуқурлаштириш. Кўппартиявийлик ҳақида маълумотга эга бўладилар.<br>• Сохта демократларнинг экстремистик йўл билан ҳокимият учун кураши, уларнинг халқ томонидан бадном қилиниши ҳақида маълумотга эга бўладилар<br>• Жамиятни эркинлаштиришнинг янги босқичи ҳақида маълумотга эга бўладилар |
| *Таълим бериш усуллари* | *Кўргазмали маъруза, суҳбат,* «бумеранг» |
| *Таълим бериш шакллари* | *Оммавий, жамоавий* |

| | |
|---|---|
| *Таълим бериш воситалари* | *Ўқув қўлланма, проектор, қўшимча адабиётлар* |
| *Таълим бериш шароити* | *ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория* |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | *Оғзаки назорат: савол-жавоб* |

**1.2.** "Ўзбекистонда ҳуқуқий, демократик давлат қурилиши. Фуқаролик жамияти асосларининг шакллантирилиши" маъруза машғулотининг технологик харитаси

| ***Иш босқичлари ва вақти*** | ***Фаолият мазмуни*** | |
|---|---|---|
| | ***Таълим берувчи*** | ***Таълим олувчилар*** |
| **1. Мавзуга кириш** *(15 дақиқа)* | 1.1. Машғулот мавзуси, режаси унинг мақсади ва ўқув фаолияти натижалари билан таништиради. (1илова)<br>1.2. .Фойдаланиладиган ўқув адабиётлари билан таништиради. (2 илова)<br>1.2. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари билан таништиради *(3-илова)*. | Тинглайдилар.<br>Тинглайдилар<br>Тинглайдилар |
| **2. Асосий босқич** (55 дақиқа) | 2.1. Power Point дастури ёрдамида слайдларни намойиш қилиш ва изоҳлаш билан мавзу бўйича асосий назарий жиҳатларини тушунтириб беради (4илова)<br>2.2. Талабалар билимларини фаоллаштириш ва мустаҳкамлаш мақсадида бумеранг технологиясидан фойдаланилади (5 илова)<br>2.3. Талабаларга мавзунинг асосий жиҳатлар такрорланади | Тинглайдилар, ёзадилар.<br>Талабалар берилган топшириқлар бўйича ишлайдилар<br>Тинглайдилар, ёзадилар. |
| **3. Якуний босқич** *(10 дақиқа)* | 3.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради,<br>3.2 Мавзу юзасидан якунловчи хулоса қилади.<br>3.3. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаб, берилган адабиётлар билан танишиб келиш топширилади. | Саволлар берадилар.<br>Тинглайдилар.<br>Вазифани ёзиб оладилар. |

**1 илова**

**Мавзу:** Ўзбекистонда ҳуқуқий, демократик давлат қурилиши. Фуқаролик жамияти асосларининг шакллантирилиши

**Режа:**

1. Демократияни янада чуқурлаштириш. Кўппартиявийлик
2. Сохта демократларнинг экстремистик йўл билан ҳокимият учун кураши, уларнинг халқ томонидан бадном қилиниши
3. Жамиятни эркинлаштиришнинг янги босқичи

***Ўқув машғулотининг мақсади:*** Ўзбекистонда ҳуқуқий, демократик давлат қурилиши. Фуқаролик жамияти асосларининг шакллантирилиши бўйича умумий тушунча бериш.

***Ўқув фаолиятининг натижаси:*** Ўзбекистонда ҳуқуқий, демократик давлат қурилиши. Фуқаролик жамияти асосларининг шакллантирилиши ҳақида маълумотга эга бўладилар.

**2 илова**

Адабиётлар рўйхати:


- Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. ЎЗбекистон:миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. –Т.: "Ўзбекистон". 1-жилд, 1996. 36-85-бетлар.
- Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. –Т.: "Ўзбекистон". 16-жилд, 2008.
- Каримов И.А. Парламент – жамият ҳаётининг кўзгуси. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.:"Ўзбекистон", 13-жилд. 2005й.156 – 173-бетлар.


**3-илова**

**Маърузада 5 дан 2 баллгача қўйилади. Рейтинг бўйича натижалар баҳоси:**

5 балл - «аъло»
4 балл - «яхши»
3 балл - «коникарли»
2 балл - «қоникарсиз»

**4-илова**

**1-режа**

<u>Ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос хусусиятлари:</u>

1) *қонуннинг устунлиги*; бу белги ёки принципга мувофиқ бирон-бир давлат органи, мансабдор шахс, жамоа, давлат ёки жамоат ташкилоти, биронта ҳам одам қонунга бўйсуниш мажбуриятидан озод этилмайди;

2) жамият ҳаётининг барча жабҳаларида *қонуннинг амалда ҳукмронлиги,* ижтимоий муносабатларга унинг тўғридан-тўғри, бевосита таъсири доирасининг кенгайиши;

3) унинг мавжудлик шароитида *фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари* тўла *кафолатлангани* ва дахлсизлиги, шунингдек, *фуқаро ва давлатнинг ўзаро жавобгарлиги принципи*нинг ўрнатилиши ва сақланиши. Фуқаролар давлат олдида қандай жавобгар бўлсалар, давлат ҳокимияти ҳам фуқаролар олдида шундай жавобгар бўлиши лозим;

4) *ҳокимиятнинг бўлиниши принципини амалга ошириш*; ҳокимиятнинг бўлиниши – давлатнинг нормал фаолият жараёнини таъминлаш учун унда бир-биридан нисбатан мустақил ҳокимият тармоқлари мавжуд бўлиши лозимлигидан келиб чиқувчи принцип ёки назария; булар – ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари; қонунчилик ҳокимияти парламентга, ижро этувчи ҳокимият - ҳукуматга, суд ҳокимияти – судга қарашли бўлиши лозим. Бу назариянинг моҳияти ҳокимият бир шахс ёки кичик шахслар гуруҳининг қўлида жамланишига йўл қўймасликдан иборат;

5) жамиятда *демократия, қонунийлик ва конституциявийлик режимини* яратиш ва сақлаш, ҳокимиятни узурпация қилишга уринишларнинг, у бир ёки бир неча қўлларда жамланишининг олдини олиш;

6) *оддий фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини амалда таъминлаш*; уларни тўла кафолатлаш ва ҳар томонлама ҳимоя қилиш механизми яратилиши лозим; фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, уларнинг конституциявий бурчлари билан оптимал уйғунлаштириш принципи изчил амалга оширилади;

7) *одамлар сиёсий ва ҳуқуқий онгининг юксак даражасига эришиш,* уларда сиёсий ва ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиш учун зарур умуминсоний маданиятни шакллантириш;

8) *мамлакатда фуқаролик жамиятининг мавжудлиги*; фуқаролик жамияти нафақат изчил ва узлуксиз ривожланиш ва цивилизациянинг кафолати, балки ҳуқуқий

демократик давлат мавжудлиги ва ривожланишининг муҳим омили сифатида ҳам қаралади.

Жаҳон тажрибаларининг гувоҳлик беришича, инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида давлат қурилишининг олий, маданий шакли демократиядир. Унинг тамойиллари:

- халқнинг эркин хоҳиш-иродаси;
- фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги;
- инсон ҳуқуқларининг устуворлиги;
- ҳокимият органларининг сайлаб қўйилиши;
- уларнинг сайловчиларга бўйсуниши;
- тайинлаш йўли билан шаклланадиган давлат органларининг сайлаб қўйиладиган органлар олдида ҳисоб беришга бурчлилиги;
- ҳокимият тармоқларининг тақсимланганлиги

## 2-режа

Саксонинчи йилларнинг иккинчи ярмида собиқ СССР ҳудудида жунбишга келган сиёсий васвасалар ва демократия ўйинлари натижаси сифатида Ўзбекистонда «Эрк» демократик партияси, «Бирлик» халқ ҳаракати вужудга келган эди. Улар ўз мақсад ва интилишлари билан мавжуд сиёсий режимга, у етмиш йил мобайнида халқ бошига келтирган кулфатларга қарши эди. Мазкур гуруҳлар маъмурий-буйруқбозлик усулига асосланган давлат бошқарувига, яккаҳокимлик ва ғоявий ҳукумдорлик эгарига миниб олган коммунистик мафкурага қарши ҳолда фаолият кўрсатдилар.

Бироқ, бу фаолият конструктив ҳаракат, ҳукумат даражасига кўтарилган сиёсий нуфуз ва ақл-идрок кўриги сифатида эмас, балки даҳанаки жанглар, эҳтиросли шиорбозликлар, ибтидоий ҳайқириқлар шаклида дунёга келди. Бу жамият ҳаёти учун ҳам, халқ ҳаёти учун ҳам жиддий хавф туғдирди

«Эрк» демократик партияси вакиллари ва уларнинг ҳомийлари мамлакатда вужудга келган қийинчиликларни рўкач қилиб, ҳар қандай йўл билан ҳокимият тепасига чиқиб олиш учун очиқдан-очиқ кураш бошладилар. Улар кўча-кўйларда митинглар уюштириб, оммавий норозиликларни келтириб чиқаришга ҳаракат қилдилар. Халқ сайлаган депутатларга ишончсизлик билдириб, уларнинг истеъфога чиқишларини талаб қилишди. Айни Тожикистон воқеаларини такрорлашга интилишди. Демак, олдин шиорбозлик, митингбозлик, кейин катта майдонларда ва ҳукумат бинолари олдида очлик эълон қилишлар, ундан сўнг эса қуролни ишга солиб қонуний парламентни барбод этиш ва ниҳоят давлат тўнтаришини амалга ошириш...

Ўша пайтда балки ҳукумат бошқарув жиловини озгина бўшаштирганида, иккиланиш ёки саросимага тушганида Тожикистондаги воқеалардан ҳам даҳшатлироғи юз бериши мумкин эди. Лекин ундай бўлмади. Ўзбекистон ҳукумати қанчалик таъна-дашномлар ёмғири тагида қолмасин демократия кушандаси, диктатура ҳокимияти деган маломатларни эшитмасин, ўз йўлида қатъий турди, иккиланмади.

«Эрк» демократик партиясининг тажовузкорона ҳаракатлари ва сиёсий кўпорувчилик фаолияти, айниқса, 1991-йил 29-декабрдаги Президент сайловлари кунларида юқори чўққига чиқди. Партия вакиллари сайловчилар билан учрашувларда, партия йиғилишларида эҳтиросга берилишлар, қонуний ҳукуматни очиқдан-очиқ бадном қилиш ва зўравонлик ҳаракатларини яққол намойиш қилдилар. Тўғридан-тўғри ҳукумат раҳбарларига турли йўллар билан ғоявий, сиёсий ва маънавий зарба беришга ҳаракат қилдилар.Биринчидан, у ҳали партия раҳбари ва сиёсий етакчи сифатида омма ичига кириб улгурмаган, халқнинг алоҳида эътиборини қозонолмаган эди. Иккинчидан, «Эрк» демократик партияси Дастурлари, партия раҳбариятининг омма орасидаги чиқишлари том маънода жамиятни тубдан ислоҳ қилиш ва уни бутунлай янги ўзанга буриб юборишга қодир эмаслигини халқ яхши тушуниб олган эди. Партия хулосалари, ислоҳотлар учун таклиф этган мулоҳазалари ҳаётий жиҳатдан ҳам, илмий жиҳатдан ҳам, сиёсий жиҳатдан ҳам етуклигига ҳеч ким кафолат бермас эди. Аксинча,

уларнинг ўзлари ортиқча шовқин-сурон ва дабдабалар билан сунъий равишда ўз нуфузларини оширишга интилишарди. Учинчидан, Президент Ислом Каримов эса мамлакат жар ёқасига бориб қолган энг қийин ва зиддиятли пайтларда ўз иқтидорини кўрсата олган, ўз фикрининг ва ғоясининг тўғрилигига халқни ишонтира билган эди. Бу, айниқса, Собиқ Иттифоқ тарқалиши олдидан юз берган жиддий ижтимоий-сиёсий жараёнлар – миллатлараро низолар, қонли тўқнашувлар ва энг муҳими Москва билан Тошкент ўртасидаги сиёсий курашларда яққол кўзга ташланган эди. Халқ мамлакатга худди ана шундай раҳбар зарурлигини, уни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш кераклигини англаб олган эди. Сайловлар арафасидаги барча сиёсий ўйинлар, жиззакиликлар, зарда қилишлар ва бошқа хатти-ҳаракатлар айни ана шу ҳаётий ҳақиқатни тан олмасликдан, ҳокимиятга эгалик хуружи тобора кучайганидан, мансаб ва курсига жон-жаҳди билан интилиш жазавасидан келиб чиққан эди.

**3-режа**

Демократик жараёнларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи бошланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996-йил 29-августда бўлиб ўтган сессияси ана шу янги даврни бошлаб берди ва демократик жараёнларни чуқурлаштириш тамойилларини кўрсатиб берди.Биринчидан, жамиятни тубдан янгилаш ва турмушимизнинг барча соҳаларида туб ислоҳотларни амалга ошириш, шу асосда демократик тамойилларни турмуш тарзига айлантириш узоқ давом этадиган узлуксиз жараёндир. Бу кундалик ташвишимиз билан боғлиқ бўлган ва умуман мамлакат тақдирини белгилайдиган муҳим ҳодисадир. Жамиятда демократияни чуқурлаштириш изчилликни тақозо этадиган, собитқадамлик билан турли қаршиликлар ва тўсиқларни енгиб, эскича қолипларни синдириб ташлаб, янгича тафаккур тарзини жорий қиладиган мураккаб жараёндир. Иккинчидан, жамиятни демократлаштириш бу бевосита иқтисодий ислоҳотлардан тортиб ҳуқуқий, сиёсий ва маънавий янгиланишларга бевосита таянган воқеликдир. Сессияда таъкидланганидек «демократиялаш жараёнининг айни ана шу ҳуқуқий, сиёсий ва маънавий жараёнлари иқтисодий тараққиётдан орқада қолмоқда». Бу «талай муҳим қонунлар, тегишли қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамланмаганлигида, қабул қилинган ҳуқуқий меъёрлар ва кафолатларни рўёбга чиқаришнинг аниқ механизми етарли даражада ишлаб чиқилмаган»ида кўринади. Учинчидан, қонун устуворлигига эришиш, қонун олдида барчанинг тенглигини таъминлаш лозим. Энг аввало ҳуқуқ-тартибот ишларини, қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни халқаро мезон ва андозаларга мослаштириш зарур. Маълумки, айни пайтда жаҳонда мазкур масалага доир етмиш хил андоза мавжуд. Буларнинг ҳаммаси жаҳон ҳамжамиятида тан олинган тамойиллар ҳисобланади. Ўзбекистон ҳозир ана шу андозалардан ўн бештасига қўшилганлиги унинг жуда қисқа муддатда демократиянинг турмуш тарзига ва уни доимий ишлаб турадиган механизмга айлантириш борасида амалга оширилган катта ютуғи ҳисобланади.Ҳукумат мустақиллик даврида босиб ўтилган йўл, тўпланган тажрибалар ва имкониятларни таҳлил қилар экан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини қайтадан кўриб чиқиш, уни жаҳоннинг энг илғор тажрибалари билан бойитиш кераклигини уқтиради. Тўртинчидан, аҳолининг сиёсий фаоллиги бевосита унинг жамият ижтимоий-сиёсий жараёнларига қанчалик дахлдорлиги билан белгиланади. Агар фуқаро сиёсий ва ижтимоий жиҳатдан фаол бўлса, у ўз-ўзини бошқаришга ва шу орқали жамоа ҳаракатини шакллантиришга, унинг мазмунини чуқурлаштиришга қодир бўлади. Янгиланаётган жамият аҳолини кундалик ташвишлар ва ҳар хил икир-чикирлар гирдобидан олиб чиқади, уни ҳаётга теранроқ ва сергакроқ қарашга ундайди. У ўзини эркин ҳис қилсин, эркин фикрласин, олдин фикрининг тўғрилигига, жамият учун фойдали эканлигига ишонсин, сўнг уни ҳеч қийналмасдан баён қилсин. Ҳақиқий демократия ана шунда кўринади. Агар ҳар бир фуқаро ҳаётда ўзини ана шундай тутса, ана шундай қобилиятга эга бўлса демократия ўз-ўзидан жамиятнинг таркибий қисмига айланади, унда мустаҳкам ўрнашиб олади. Бешинчидан, демократия ва мухолифат хусусида. Маълумки, бизнинг мухолифат ҳақидаги тушунчаларимиз ҳали-ҳамон жўн

ва содда. Чунки, биз учун мухолифат янги даврнинг маҳсули сифатида истиқлол арафасидагина тилимизда пайдо бўлди. Бунинг ўзига хос омиллари бор. Жумладан, қадимда Шарқ давлатчилигида адолат тамойилларининг учун турганлиги, қонун олдида барчанинг тенглиги, давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатларнинг ниҳоятда содда, айни пайтда самимий тизими мавжудлиги бутун жамиятда ҳар томонлама барқарорликка асос бўлган. Қолаверса, мухолифат тушунчаси умуман жаҳон давлатчилиги тажрибасида ҳам XX аср «ихтироси» сифатида демократик жараёнларнинг тобора чуқурлашиши шароитида вужудга келган ҳодисадир.

Айрим шахсларнинг фойдаланиши лозим бўлган имтёзлар қонунда белгиланиб, улар фақат ижтимоий адолат принциплари асосида бўлиши кўрсатиб қўйилди.

**5-илова**

**“Бумеранг” технологияси**

Мақсади: Ўқув жараёнида талабаларга тарқатилган материалларни улар томонидан якка ва гуруҳ ҳолатида ўзлаштириб олишлари ҳамда суҳбат мунозара ва турли саволлар орқали тарқатма материаллар, ундаги матнларни қай даражада ўзлаштирилганлигини назорат қилиш ва баҳолаш. Ушбу технология бир неча босқичда ўтказилади.

1. Талабалар кичик гуруҳларга бўлиб олинади.
2. Машғулотнинг мақсади ва тартиби таништирилади.
3. Талабаларга мустақил ўрганиш учун мавзу бўйича матнлар тарқатилади.
4. Талабаларга берилган матнлар якка тартибда мустақил равишда ўрганилади. 15 минут вақт ажратилади.
5. Ҳар бир гуруҳ аъзоларидан янги гуруҳ ташкил этилади.
6. Янги гуруҳ аъзоларининг ҳар бири гуруҳ ичида навбати билан мустақил ўрганган матнлари билан ахборот алмашадилар, яъни бир-бирларига сўзлаб берадилар ва матнни ўзлаштириб олишларига эришилари лозим. 10 минут ажратилади.
7. Берилган маълумотларни ўзлаштирганлик даражасини аниқлаш учун гуруҳ ичида ички назорат ўтказилади, яъни бир–бирлар билан савол жавоб қиладилар. 5 минут ажратилади.
8. Янги гуруҳ аъзолари аввалги ҳолатдаги гуруҳларга қайтади.
9. Талабаларнинг балларини ҳисоблаб бориш учун ҳар бир гуруҳда “гуруҳ ҳисобчиси” тайинланади.
10. Гуруҳлар ўртасида матнларни қай даражада ўзлаштирганликларини аниқлаш учун оғзаки савол–жавоблар ўтказилади.
11. Саволларга берилган жавоблар асосида гуруҳларнинг тўплаган умумий бали аниқланади.
12. Ҳар бир гуруҳ аъзолари томонидан гуруҳдаги матннинг мазмунини ҳаётга боғлаган ҳолда битта савол тузилади.
13. Гуруҳлар томонидан тайёрланган саволларни бир–бирига беришлари лозим ва унга ҳам белгиланган бал берилади.
14. Гуруҳ аъзолари томонидан тўпланган умумий баллар йиғиндиси аниқланиб, гуруҳ аъзолари ўртасида тенг бўлинади.
15. Талабаларнинг тўплаган баллари гуруҳ журналига қайд қилиниб, ўқитувчи машғулот юзасидан ўз фикр–мулоҳазаларини билдиради.

**1 вариант <u>Ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос хусусиятлари</u>:**

1) *қонуннинг устунлиги*; бу белги ёки принципга мувофиқ бирон-бир давлат органи, мансабдор шахс, жамоа, давлат ёки жамоат ташкилоти, биронта ҳам одам қонунга бўйсуниш мажбуриятидан озод этилмайди;

2) жамият ҳаётининг барча жабҳаларида *қонуннинг амалда ҳукмронлиги,* ижтимоий муносабатларга унинг тўғридан-тўғри, бевосита таъсири доирасининг кенгайиши;

3) унинг мавжудлик шароитида *фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари* тўла *кафолатлангани* ва дахлсизлиги, шунингдек, *фуқаро ва давлатнинг ўзаро жавобгарлиги принципи*нинг ўрнатилиши ва сақланиши. Фуқаролар давлат олдида қандай жавобгар бўлсалар, давлат ҳокимияти ҳам фуқаролар олдида шундай жавобгар бўлиши лозим;

) *ҳокимиятнинг бўлиниши принципини амалга ошириш*; ҳокимиятнинг бўлиниши – давлатнинг нормал фаолият жараёнини таъминлаш учун унда бир-биридан нисбатан мустақил ҳокимият тармоқлари мавжуд бўлиши лозимлигидан келиб чиқувчи принцип ёки назария; булар – ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари; қонунчилик ҳокимияти парламентга, ижро этувчи ҳокимият - ҳукуматга, суд ҳокимияти – судга қарашли бўлиши лозим. Бу назариянинг моҳияти ҳокимият бир шахс ёки кичик шахслар гуруҳининг қўлида жамланишига йўл қўймасликдан иборат;

5) жамиятда *демократия, қонунийлик ва конституциявийлик режимини* яратиш ва сақлаш, ҳокимиятни узурпация қилишга уринишларнинг, у бир ёки бир неча қўлларда жамланишининг олдини олиш;

6) *оддий фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини амалда таъминлаш*; уларни тўла кафолатлаш ва ҳар томонлама ҳимоя қилиш механизми яратилиши лозим; фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, уларнинг конституциявий бурчлари билан оптимал уйғунлаштириш принципи изчил амалга оширилади;

7) *одамлар сиёсий ва ҳуқуқий онгининг юксак даражасига эришиш,* уларда сиёсий ва ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиш учун зарур умуминсоний маданиятни шакллантириш;

8) *мамлакатда фуқаролик жамиятининг мавжудлиги*; фуқаролик жамияти нафақат изчил ва узлуксиз ривожланиш ва цивилизациянинг кафолати, балки ҳуқуқий демократик давлат мавжудлиги ва ривожланишининг муҳим омили сифатида ҳам қаралади.

**2 вариант** **Ҳуқуқий демократик давлат.**

Демократик ҳуқуқий давлат куч билан, инқилоб билан эмас, балки табиий-тарихий, эволюция йўли билан, ҳуқуқ қадрининг жамият томонидан англаниши, фуқаролар маданиятининг ўсиши орқали шаклланади.

Иккинчидан, ҳуқуқий давлат тушунчаси у ёки бу қонунларнинг мавжудлигини англатмайди. Гап қонунларнинг қандайлиги ва уларнинг бажарилишида. Ҳуқуқий давлатда қонунчилик ҳеч қандай мафкура таъсирига берилмаган ва унга бўйсунмаган бўлади.

Учинчидан, ҳуқуқий давлат барча фуқаролар, мансабдор шахслар, жамият ва ҳокимиятнинг барча институтлари учун қонуннинг устунлигини таъминлайди.

Тўртинчидан, ҳуқуқий давлатда қонунларнинг бир тизимга солинганлиги, зиддиятсизлиги, амалда бажариш учун шароит бўлиши, кафолатли ва ҳар бир киши учун тушунарли бўлиши керак.

Бешинчидан, ҳуқуқий давлат қонунларни қабул қилиш ва амалга оширишнинг муайян, одатда зўровонликка, мажбурийликка асосланмаган механизмларига эга бўлади.

Президент И.А.Каримов «Шарқда демократик жараёнларнинг қадимдан шаклланган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятлари бор. Буни асло назардан қочириб бўлмайди. Яъни шарқда демократик жараёнлар узвий равишда ва аста-секин тараққий топади. Бу соҳада инқилобий ўзгаришлар ясашга уринишлар ғоят нохуш ҳатто фожиали натижаларга олиб келади. Инқилобни ғарб олимлари ҳам «ижтимоий тараққиётнинг ибтидоий ва ёввойи шакли» деб атаганлар. Табиийки, бундай йўл бизга асло тўғри келмайди», деганида демократияни жорий этишнинг юртимизда ўзбекона тамойиллари шаклланаётганини кўрсатади.

Маълумки, демократик тартибот сиёсий ҳокимиятни амалга оширишнинг кенг тарқалган замонавий шаклидир. Унда демократик институтлар, сиёсий эркинликлар бўлишига, меҳнаткашларнинг турли ташкилотлар атрофида бирлашишига имкон берилади.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Парламенти фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида мамлакатда аввало кўппартиявийлик, ошкораликни фуқароларнинг жамоат ташкилотлари орқали ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган муҳим қонунлар қабул қилди. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» (1991-йил 14-июн), «Жамоат ташкилотлари тўғрисида» (1991-йил 15-феврал), «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» (1991-йил 14-июн), «Касаба уюшмалари» улар фаолиятининг ҳуқуқ ва кафолатлари тўғрисида» (1992-йил 2-июл) қонунлари ана шулар жумласидандир.

Олий Мажлиснинг 1996-йил декабрда бўлган сессияда «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонун умумхалқ муҳокамасидан сўнг қабул қилинди. Жумладан, қонунда: «Сиёсий партия – қарашлари, қизиқишлари ва мақсадлари муштараклиги асосида тузилган, жамият муайян қисмининг давлат ҳокимиятини шакллантиришдан иборат сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи Ўзбекистон фуқароларининг кўнгилли бирлашмасидир», – дейилади.

**3 вариант** **<u>Сиёсий партиялар</u>**

Бугунги кунда республикада аҳолининг турли тоифаларини бирлаштирган 5 та сиёсий партия ва «Халқ бирлиги» (1995) жамоатчилик ҳаракати фаолият кўрсатмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси (ХДП) Ўзбекистон Мустақиллиги йилларида шаклланди. Бу партия 1991-йил 1-ноябрда Тошкентда бўлиб ўтган таъсис қурултойида тузилган. ХДП Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1991 йил 15 ноябрда рўйхатга олинган.

Партия мамлакатда адолатли жамият қуриш, унинг сиёсий ва иқтисодий Мустақиллигини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон халқлари ўртасида тинчлик, осойишталик, фуқаролар тотувлигини таъминлаш, ҳар бир меҳнаткашнинг моддий ва маънавий турмушини яхшилаш, фуқароларнинг тенг Конституциявий ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ўзбекистон ХДПсининг олий органи – қурултой 5 йилда бир марта чақирилади. Унда партиянинг раҳбар органлари сайланади.

Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партияси (СДП) 1995-йил 18-февралда Тошкентда бўлиб ўтган И таъсис Қурултойида тузилган. Ушбу Қурултойда унинг Дастури ва Низоми қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 1995-йил 18-февралда рўйхатга олган.

Партиянинг асосий мақсади Мустақил Ўзбекистон Республикасида барча миллат ва элатларнинг умумий манфаатига мос келадиган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан етук, демократия тамойилларига асосланган адолатли, фуқаролик жамият қуришда фаол иштирок этиш.

Ўзбекистонда шаклланган ёш партиялардан бири – Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясидир (МТДП). У 1995-йил 3-июнда Тошкентда бўлиб ўтган таъсис қурултойида тузилган. Ушбу қурултойда партия Дастури ва Низоми қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 1995-йил 9-июнда рўйхатга олган.

Партиянинг бош мақсади миллий манфаатлар миллий якдилликни таъминлаш, ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва Ўзбекистонни жаҳоннинг етакчи давлатлари сафига олиб кириш учун халқни сафарбар қилиш. МТДП миллатнинг ўз-ўзини англаши, фуқароларда Ватанга садоқат ва муҳаббат туйғуларини тўла шакллантириш, бозор муносабатларига асосланган янги жамият қуриш, миллий тикланиш йўлидан ривожла-нишга эришиш, миллий мерос ва анъаналарни рўёбга чиқариш, миллатни илмий, техникавий салоҳиятини юксалтириш ва демократик жамият қуриш учун курашади

## МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

| | |
|---|---|
| **5-мавзу** | **Мамлакатда сиёсий, ижтимоий барқарорликнинг таъминланиши** |

### 1.1. Таълим бериш технологиясининг модели

| *Машғулот вақти*-2 соат | Талабалар сони: 40-50 гача |
|---|---|
| *Машғулот шакли* | ахборотли маъруза |
| *Маъруза режаси* | Режа:<br>19. Аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш – давлат сиёсатининг бош йўналиши<br>20. Республикада миллатлараро тотувликнинг таъминланиши учун олиб борилган сиёсат<br>21. Миллий хавфсизлик ва мамлакат мудофаа қобилиятининг мустаҳкамланиши |
| *Ўқув машғулотининг мақсади*:. Мамлакатда сиёсий, ижтимоий барқарорликнинг таъминланиши тўғрисида маълумот бериш. | |
| *Педагогик вазифалар*:<br>• Аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш – давлат сиёсатининг бош йўналиши ҳақида маълумот бериш<br>• Республикада миллатлараро тотувликнинг таъминланиши учун олиб борилган сиёсат ҳақида маълумот бериш<br>• Миллий хавфсизлик ва мамлакат мудофаа қобилиятининг мустаҳкамланиши ҳақида маълумот бериш | *Ўқув фаолияти натижалари:*<br>• Аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш – давлат сиёсатининг бош йўналиши ҳақида маълумотга эга бўладилар<br>• Республикада миллатлараро тотувликнинг таъминланиши учун олиб борилган сиёсат ҳақида маълумотга эга бўладилар<br>• Миллий хавфсизлик ва мамлакат мудофаа қобилиятининг мустаҳкамланиши ҳақида маълумотга эга бўладилар |
| *Таълим бериш усуллари* | *Кўргазмали маъруза, суҳбат, ақлий хужум пед.технологиси.* |
| *Таълим бериш шакллари* | *Оммавий, жамоавий* |
| *Таълим бериш воситалари* | *Ўқув қўлланма, проектор, қўшимча адабиётлар* |
| *Таълим бериш шароити* | *ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория* |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | *Оғзаки назорат: савол-жавоб* |

**1.2.** “Мамлакатда сиёсий, ижтимоий барқарорликнинг таъминланиши” маъруза машғулотининг технологик харитаси

| ***Иш*** | ***Фаолият мазмуни*** |
|---|---|

| *босқичлари ва вақти* | *Таълим берувчи* | *Таълим олувчилар* |
|---|---|---|
| **1. Мавзуга кириш** *(15 дақиқа)* | 1.1. Машғулот мавзуси, режаси унинг мақсади ва ўқув фаолияти натижалари билан таништиради. (1илова)<br>1.2. .Фойдаланиладиган ўқув адабиётлари билан таништиради. (2 илова)<br>1.2. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари билан таништиради *(3-илова)*. | Тинглайдилар.<br>Тинглайдилар<br>Тинглайдилар |
| **2. Асосий босқич** (55 дақиқа) | 2.1. Power Point дастури ёрдамида слайдларни намойиш қилиш ва изоҳлаш билан мавзу бўйича асосий назарий жиҳатларини тушунтириб беради (4илова)<br>2.2. Талабалар билимларини фаоллаштириш ва мустаҳкамлаш мақсадида ақлий ҳужум технологиясидан фойдаланилади (тезкор савол жавоблар) (5 илова)<br>2.3. Талабаларга мавзунинг асосий жиҳатлар такрорланади | Тинглайдилар, ёзадилар.<br>Талабалар саволларга жавоб берадилар<br>Тинглайдилар, ёзадилар. |
| **3. Якуний босқич** *(10 дақиқа)* | 3.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради,<br>3.2 Мавзу юзасидан якунловчи хулоса қилади.<br>3.3. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаб, берилган адабиётлар билан танишиб келиш топширилади. | Саволлар берадилар.<br>Тинглайдилар.<br>Вазифани ёзиб оладилар. |

**1 илова**

**Мавзу:** Мамлакатда сиёсий, ижтимоий барқарорликнинг таъминланиши

**Режа:**

1. Аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш – давлат сиёсатининг бош йўналиши
2. Республикада миллатлараро тотувликнинг таъминланиши учун олиб борилган сиёсат
3. Миллий хавфсизлик ва мамлакат мудофаа қобилиятининг мустаҳкамланиши

***Ўқув машғулотининг мақсади:*** Мамлакатда сиёсий, ижтимоий барқарорликнинг таъминланиши бўйича умумий тушунча бериш.

***Ўқув фаолиятининг натижаси:*** Мамлакатда сиёсий, ижтимоий барқарорликнинг таъминланиши ҳақида маълумотга эга бўладилар.

**2 илова**

**Адабиётлар рўйҳати**:

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Ўзбекистон:миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. –Т.: "Ўзбекистон". 1-жилд, 1996.36-85-бетлар.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. –Т.: "Ўзбекистон", 1995й.
3. Каримов И.А. Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. –Т.: "Ўзбекистон", 1996й.
4. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. –Т.: "Ўзбекистон". 16-жилд, 2008.
5. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.:"Ўзбекистон", 13-жилд. 2005й. 174 – 222-бетлар

**3-илова**

**Маърузада 5 дан 2 баллгача қўйилади. Рейтинг бўйича натижалар баҳоси:**

5 балл - «аъло»
4 балл - «яхши»
3 балл - «қониқарли»
2 балл - «қониқарсиз»

**4-илова**

**1-режа**

Ўзбекистон жаҳон тажрибасидиан муваффақиятли ўтган бозор муносабатларига ўтиш йўлини танлаб олар экан, бу жараён билан боғлиқ кўпгина масалаларни халқимиз, Ватанимизнинг алоҳида мавжуд хусусиятларига мослаштирди.

Шафқатсиз бозор муносабатлари ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида ўта кучли рақобатнинг мавжудлиги, давлат ва хусусий сектор фаолиятидаги ўзига хос муносабатларнинг мавжудлиги бидлан характерланади.

Ўзбекистонда аҳолининг аксарият қисми қишлоқ хўжалиги билан банд бўлганлиги, ўзбек оилалари кўп сонли аъзолардан иборат бўлганлиги бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олишни тақозо этади.

Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати мамлакатдаги ислоҳотларнинг муваффақиятли бўлишини бўлишини таъминлаш мақсадида биринчи навбатда аҳолини кучли ижтимлоий ҳимояланишини ташкил этишга қаратилган йўлни танлаб олди. Бу бозор муносабатларига ўтиш жараёнидаги асосий тамойиллардан бири деб эътироф этилди. Бунда миқдори мунтазам ўзгартириб турилган иш ҳақи, пенсиялар,стипендиялар, турли нафақалар, компенсация тўловлари тарзидаги пул тўловлари, имтиёзлар ва турли дотациялар тарзидаги тўловларни жорий қилиш усули кенг қўлланилди. Энг кам иш ҳақи ва пенсияларга нисбатан солиқ солинмайдиган бўлди.

Корхоналарнинг ходимларига ижтимоий ёрдам кўрсатган сарф-харажатларнинг бир қисмини давлат бюджети ҳисобидан қопланиб борилди. Аҳолининг айрим қисмларига қўшимча имтиёзлар жорий қилинди. Масалан: Иш ҳақини ошириш билан бирга барча тоифадаги мактабларнинг муаллимлари, болалар уйлари, мактабгача ва мактабдан ташқари муассасалар тарбиячилари, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг профессор-муаллимлари ва илмий ходимлари, ижодий ва тиббий ходимларни ижтимоий ҳимоялаш ва уларнинг меҳнатини рағбатлантириш мақсадида уларга қўшимча моддий неъматлар – квартира ҳақи ва коммунал тўловлар соҳасида имтиёзлар берилди, якка тартибда уй-жой қуриб олиш учун ер участкалари биринчи навбатда ажратиладиган бўлди. Ўқитувчиларнинг давлат ва ташкилотлар томонидан берилган уйлари бепул хусусийлаштирилди. 35 минг 841 кишига шахсий қурилиш учун ер участкаси берилди.

**2 режа**

Мамлакатимизда 120 дан олртиқ миллат вакиллари истеқомат қилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8-моддасида “Ўзбекистон халқининг миллатидан қатъий назар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади” дейилган.

“Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаро сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни Республиканинг барча фуқароларига “Ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий мавқеи, ирқий ва милдлий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотларининг тури ва хусусиятидан қатъий назар” тенг сайлов ҳуқуқи берилади.

1989 йил Маданият Вазирлиги қошида Республика миллатлараро маданият маркази ташкил этилди. Унинг таркибида 12 та, жумладан Қозоқ, Корейс, Арман, Озарбайжон, Тожик маданият марказлари фаолият кўрсата бошлади.

1995 йилга келиб Республика миллий маданият марказмарказида 80 дан ортиқ миллий маданий марказлар фаолият кўрсатди. Мустақиллик йилларида «Байналмилал маданият» Маркази томонидан амалга оширилган ишларнинг яна бир йўналиши бу 1994-йили бошланган биринчи «Халқ ижодиёти» фестивали бўлди. Бу фестивал Ўзбекистон Мустақиллигининг уч йиллиги муносабати билан ташкил этилди ва уни ҳар икки йилда бир марта ўтказишга қарор қилинди.

Айниқса, арман, озарбайжон, тожик, қозоқ, татар, немис ва корейс халқларининг профессионал ва бадиий ҳаваскорлик санъаткорларининг чиқишларини халқ хурсандчилик ва қизиқиш билан кутиб олди. Ҳар бир Маданият Марказининг фестивали чинакамига миллий байрамга, ўша миллатнинг том маънодаги порлоқ истиқболининг кафолатига, яшаб турган замин унинг учун бегона эмаслиги, аксинча, у ана шу юрт, ана шу тупроқ тақдири учун жавобгарлик ҳиссини кучайтиришга хизмат қилди.

**3-режа**

Истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини сақлаб қолиш, ҳимоя қилиш миллий хавфсизликни таъминлашни тақозо қилар эди.

Миллий хавфсизлик масаласидаги давлат сиёсати ва унинг узоқ йилларга мўлжалланган стратегияси илк бор мамлакат Олий Мажлисининг 1995 йил 24-февралда бўлиб ўтган биринчи сессиясида Президент И.Каримов томонидан аниқ ва батафсил ёритиб берилди. Унда жаҳонда юз берган янги сиёсий-иқтисодий воқеликдан сўнг, давлатлараро муносабатлар мухолифликка эмас, балки халқаро ҳуқуқий меъёрларга мос янги тартиботга асосланган бўлиши кераклиги тўғрисидаги ғоя илгари сурилди. Миллий хавфсизликнинг кенг қамровли констепстиясини ишлаб чиқиш, унинг хуқуқий асосини белгиловчи қонунлар яратиш зарурлиги кўрсатиб берилди.

Ана шу кўрсатмалардан келиб чиқиб мамлакатимизда илк марта 1996 йил 24-апрелда Олий Мажлиснинг бешинчи сессиясида маъқулланган тўрт бўлим, йигирма саккиз моддадан иборат бўлган «Миллий хавфсизлик тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. Миллий хавфсизлик тизимини шакллантириш, миллий хавфсизликни таъминлаш борасидаги вазифалар ва уларни амалга ошириш принсипларини ҳуқуқий нормаларда белгилаб берадиган, бутунлай янгича ҳужжат сифатида кўриб чиқилди. 1997 йил август ойида Олий Мажлиснинг IX сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик констепстияси қабул қилинди.

Хориж тажрибасида миллий хавфсизлик деганда кўпроқ давлат хавфсизлиги тушунилади. Бу борада ҳам Ўзбекистон ўзига хос йўлига эга. Чунончи, масалага бундай ёндашув миллий хавфсизлик муаммосининг моҳиятини бирмунча торайтиради. Тўғри, миллий хавфсизликда ҳарбий ва давлат хавфсизлиги масалалари асосий ўрин тутади. Бироқ, миллий хавфсизлик дейилганда фақат ана шуларнинг ўзигина тушунилмайди. Мамлакатимизнинг ҳаётий муҳим манфаатлари лойиҳада белгиланганидек, биринчидан, шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликлари; иккинчидан, жамиятнинг моддий ва маънавий бойликлари; учинчидан, давлатнинг Конституциявий тузуми, суверенитети, ҳудудий яхлитлигидан иборатдир.

**5-илова**

**Тезкор –савол жавоблар**

- Демократия нима?
- Хуқуқий демократик давлат нима?
- Демократиянинг тамойиллари нималардан иборат?
- Сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрнини кўрсатиб беринг?
- Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди- деган иборага изоҳ беринг.

## МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

| | |
|---|---|
| **6-мавзу** | **Республикада амалга оширилаётган иқтисодий соҳадаги ислоҳотлар. Бозор муносабатларининг шаклланиши** |

**1.1. Таълим бериш технологиясининг модели**

| | |
|---|---|
| ***Машғулот вақти*-2 соат** | **Талабалар сони: 40-50 гача** |
| ***Машғулот шакли*** | **ахборотли маъруза** |
| *Маъруза режаси* | Режа:<br>22. Республика иқтисодиётини бозор муносабатларига йўналтирилиши<br>23. Макроиқтисодиётни барқарорлаштиришга эришиш<br>24. Жаҳон молиявий ва иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистон иқтисодиёти |
| *Ўқув машғулотининг мақсади:*. Республикада амалга оширилаётган иқтисодий соҳадаги ислоҳотлар. Бозор муносабатларининг шаклланиши  тўғрисида маълумот бериш. | |

| *Педагогик вазифалар*: | *Ўқув фаолияти натижалари:* |
|---|---|
| • Республика иқтисодиётини бозор муносабатларига йўналтирилиши ҳақида маълумот бериш<br>• Макроиқтисодиётни барқарорлаштиришга эришиш ҳақида маълумот бериш<br>• Жаҳон молиявий ва иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистон иқтисодиёти ҳақида маълумот бериш | • Республика иқтисодиётини бозор муносабатларига йўналтирилиши ҳақида маълумотга эга бўладилар<br>• Макроиқтисодиётни барқарорлаштиришга эришиш ҳақида маълумотга эга бўладилар<br>• Жаҳон молиявий ва иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистон иқтисодиёти ҳақида маълумотга эга бўладилар |
| *Таълим бериш усуллари* | *Кўргазмали маъруза, суҳбат,* ФСМУ пед.технологияси |
| *Таълим бериш шакллари* | *Оммавий, жамоавий* |
| *Таълим бериш воситалари* | *Ўқув қўлланма, проектор, қўшимча адабиётлар* |
| *Таълим бериш шароити* | *ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория* |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | *Оғзаки назорат: савол-жавоб* |

**1.2.** “Республикада амалга оширилаётган иқтисодий соҳадаги ислоҳотлар. Бозор муносабатларининг шаклланиши” маъруза машғулотининг технологик харитаси

| ***Иш босқичлари ва вақти*** | ***Фаолият мазмуни*** | |
|---|---|---|
| | ***Таълим берувчи*** | ***Таълим олувчилар*** |
| **1. Мавзуга кириш** *(15 дақиқа)* | 1.1. Машғулот мавзуси, режаси унинг мақсади ва ўқув фаолияти натижалари билан таништиради. (1илова)<br>1.2. .Фойдаланиладиган ўқув адабиётлари билан таништиради. (2 илова)<br>1.2. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари билан таништиради *(3-илова).* | Тинглайдилар.<br>Тинглайдилар<br>Тинглайдилар |
| **2. Асосий босқич** (55 дақиқа) | 2.1. Power Point дастури ёрдамида слайдларни намойиш қилиш ва изоҳлаш билан мавзу бўйича асосий назарий жиҳатларини тушунтириб беради (4илова)<br>2.22.3. Талабалар билимларини фаоллаштириш ва мустаҳкамлаш мақсадида ФСМУ технологиясидан фойдаланилади (5 илова)<br>2.3. Талабаларга мавзунинг асосий жиҳатлар такрорланади | Тинглайдилар, ёзадилар.<br>Талабалар топшириқлар бўйича ишлайдилар<br>Тинглайдилар, |

| | | |
|---|---|---|
| | | ёзадилар. |
| **3.**<br>**Якуний босқич**<br>*(10 дақиқа)* | 3.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради,<br>3.2 Мавзу юзасидан якунловчи хулоса қилади.<br>3.3. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаб, берилган адабиётлар билан танишиб келиш топширилади. | Саволлар берадилар.<br>Тинглайдилар.<br>Вазифани ёзиб оладилар. |

**1 илова**

**Мавзу:** Мамлакатда сиёсий, ижтимоий барқарорликнинг таъминланиши

**Режа:**

4. Аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш – давлат сиёсатининг бош йўналиши
5. Республикада миллатлараро тотувликнинг таъминланиши учун олиб борилган сиёсат
6. Миллий хавфсизлик ва мамлакат мудофаа қобилиятининг мустаҳкамланиши

***Ўқув машғулотининг мақсади:*** Мамлакатда сиёсий, ижтимоий барқарорликнинг таъминланиши бўйича умумий тушунча бериш.

***Ўқув фаолиятининг натижаси:*** Мамлакатда сиёсий, ижтимоий барқарорликнинг таъминланиши ҳақида маълумотга эга бўладилар.

**2 илова**

**Адабиётлар рўйҳати**:


1. Каримов И.А. Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар. Ўзбекистон:миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. –Т.: “Ўзбекистон”. 1-жилд, 1996. 19-30-бетлар.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Ўзбекистон:миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. –Т.: “Ўзбекистон”. 1-жилд, 1996.61-76-бетлар.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Ўзбекистон:миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. –Т.: “Ўзбекистон”. 1-жилд, 1996.274-359-бетлар.
4. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоғотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. / Халқ сўзи. 13 ноябрь сони, 1 бет кириш қисми, 4-бет 6-қисм “Демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш”.


**3-илова**

**Маърузада 5 дан 2 баллгача қўйилади. Рейтинг бўйича натижалар баҳоси:**

5 балл - «аъло»
4 балл - «яхши»
3 балл - «кониқарли»
2 балл - «қониқарсиз»

**4-илова**

**1-режа**

Кириш. Республика иқтисодиётини бозор муносабатларига йўналтирилиши

Бозор иқтисодиёти – жамият тараққиётини тезлаштирувчи иқтисодий алоқалар мажмуи

Бозор иқтисодиёти 2 турга бўлинади:

1.Тартибсиз, стихияли ривожланувчи бозор.

2. Тартибли бошқариладиган бозор.
Бозор муносабатларининг хусусиятлари:
Бозор муносабатларида корхона ёки юридик шахслар эркин иқтисодий фаолият кўрсатади; Товар ишлаб чиқарувчи мулк эгаси бўлади;
Товар ишлаб чиқарувчи ўзи яратган маҳсулотнинг эгаси бўлиб, хоҳласа сотади, хоҳласа тўхтатиб туради;
Бозорга чиқарилган товар сотувчи билан харидорнинг эркин ва ихтиёрий муносабатига айланади;
Бозор иқтисодиётида монополизм инкор этилиб, бозорда маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг эркин рақобати ҳукмронлик қилади;
Бозор иқтисодиётида ишлаб чиқарувчи эмас, балки истеъмолчи ўз шартларини қўяди;
Ишлаб чиқарилган товарни сотиш унга сарфланган ижтимоий зарур меҳнатга мувофиқ амалга оширилади;
Бозорда нимага талаб кучли бўлса, шу маҳсулотни ишлаб чиқариш фойдали бўлади;
Товар ишлаб чиқарувчилар, жамият аъзолари, ўз даромадларига кўра табақаланади.
Мустақилликка эришилган вақтдаги
иқтисодий аҳвол.
1991-йил охирлари ва 1992- йилда Ўзбекистон зиммасига оғир ва жиддий синовлар тушди.
«Давлат ва халқ ўз тақдирини, ўз мустақиллигини, ўз озодлигини ҳимоя қила олишга қодирми?» деган саволга жавоб беришга тўғри келди.
Бунинг боиси шунда эдики, СССР парчаланиб кетиши, анъанавий хўжалик алоқаларининг бузилиши билан боғлиқ бўлган молиявий ва хомашё захираларининг ниҳоятда тақчиллиги юз берди. Масалан, бошқа минтақалар ва мамлакатлардан маҳсулот етказиб берилишига боғланиб қолган йирик корхоналар тўхтаб қолиш арафасида эди. Бунинг устига аҳолининг моддий аҳволи яна ҳам пастлашиб кетди. Озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонларнинг энг муҳим турлари четдан олиб келиниши сабабли бирмунча қийинчиликларга дуч келинди.Озиқ-овқат (Ун захираси) муаммоси9,5 млн.аҳоли қашшоқлик даражасига келиб қолган.Аҳолининг 43,1 фоизини ўсмирлар ва болалар ташкил қиларди. (Айни пайтда бу кўрсаткич, Россияда ва Беларуда 24, Қозоғистонда 33,2 фоизни ташкил этган). *Манба: И.Каримов. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнингг ўзига хос йўли. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1996, 292б.*Ўзбекистон ҳали рубль зонасида турган вақтда, 1991йилнинг 31 декабрида Россия ҳукумати амалда зарур тайёргарликсиз, ижтимоий компенсациянинг минимал механизмларини яратмасдан туриб, нарх-навони эркинлаштириш ҳақида қарор қабул қилди.“шок терапияси”“фалаж қилиб даволаш” “Шок терапияси бизга тўғри келмайди, одамларга фақат мақсадга, олижаноб мақсад бўлса-да, унга эришиш воситаси сифатида қараш мумкин эмас. Мен одамларни очлик ва совуқ гирдобига ташлашга, аҳолини ижтимоий қўллаб-қуваатлашнинг мавжуд тизимини вайрон қилишга, болаларни мактабсиз, беморларни шифохонасиз қолдиришга йўл қўймайман”
Мустақиллик йилларида мамлакат ҳукуматининг иқтисодий стратегияси асосан уч вазифани ҳал этишга қаратилди:
Ишлаб чиқаришнинг пасайишини тўхтатиш
Макроиқтисодий барқарорликка эришиш.
Барқарор иқтисодий ривожланиш учун шарт-шароит яратиш.
Режалаштриш ва тақсимот тизимининг таянчлари тугатилди:
Давлат план комитети,
Давлат таъминот комитети;
Давлат нарх комитети
Давлат агросаноат комитети,
Вазирликлар.
Бошқарув, шунингдек маҳаллий ҳокимият органлари қайта ташкил этилди.

Банк тизими, Ташқи иқтисодий фаолият банки.
Иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг стратегик мақсадлари:
Бозор иқтисодиётини босқичма-босқич шакллантириш.
Кўп укладли иқтисодиётни яратиш.
Корхоналар ва фуқароларга кенг иқтисодий эркинлар бериш.
Иқтисодиётда чуқур структуравий ўзгаришлар қилиш.
Кишиларда янгича иқтисодий тафаккурни шакллантириш.
1992–94-йилларда ислоҳотларнинг натижалари аҳолининг истеъмол молларига бўлган талабини ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳисобига қондирилишида, айрим турларини эса четга сота бошланганида намоён бўла бошлади.
Энг муҳими, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш камайиб кетишига йўл қўйилмади.
ўтиш даврида давлат ўз иқтисодий сиёсатини белгилашда аввало устувор, катта истиқболга эга бўлган тармоқлар ва ишлаб чиқаришни ҳар томонлама рағбатлантириш, яъни энг муҳим бўғинларни аниқлаш орқали иқтисодиётни таркибан қайта ташкил қилиш бўйича изчил сиёсат юритиши лозим эди.
Булар: нефт – нефт мустақиллиги, энергетика – энергетика мустақиллиги,
дон – ғалла мустақиллиги, пахтани қайта ишлаш саноатини муста\камлаш ...
1996 йилга келиб нефт ва дон мустақиллигига эришилди.Биз мустақиллик йилларида ҳозирги кунгача иқтисодий жиҳатдан оғир аммо, тўғри йўлни босиб келмоқдамиз.
Иқтисодий тараққиётнинг босқичлари:
1-босқичда икки муҳим вазифа бажарилди:
а) Маъмурий-буйруқбозлик тизимининг оғир оқибатларини енгиб ўтилди, тангликка барҳам берилди, иқтисодиёт барқарорлашди.
б) Бозор муносабатлари негизлари шакллантирилди.
1994 йил 1 июлга келиб, миллий валюта “СЎМ” муамалага киритилди.
2-босқич вазифалари.
1.Давлат мулкини хусусийлаштиришни охирига етказиш.
2. Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш.
Миллий валюта – сўмни мустаҳкамлаш.
Структуравий ўзгаришлар қилиш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш

**2-режа.**

Макроиқтисодиётни барқарорлаштиришга эришиш.

Макроиқтисодиёт (лотинча – “macro” – “катта”, арабча “Иқтисодиёт” – “хўжалик юритиш”).Макроиқтисодиёт иқтисодий тизимдаги барча иштирокчиларни қамраб олади ва умум жараёнларга урғу беради.(Микроиқтисодиёт “кичик хўжалик юритиш” – корхогналар, фирмалар, яъни иқтисодиётнинг бирламчи, бошланғич бўғинини ташкил этади.) Ўзбекистон иқтисодиётини ислоҳ қилишнинг муҳим жиҳати бу – макроиқтисодиётни барқарорлаштиришга эришишдан иборат. «Барқарорлаштириш сиёсати,– энг аввало, бу макроиқтисодиётда мувозанатни сақлаш, ишлаб чиқаришнинг кескин даражада пасайишига ва оммавий ишсизликка йўл қўймасликдир.».
Мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиётда хусусан, макроиқтисодиётда эришилган натижаларни фақат бошқа мамлакатларнинг иқтисодий кўрсаткичлари билан қиёслаганда янада ойдинлашади.

Собиқ социалистик мамлакатларнинг ялпи ички маҳсулот кўрсаткичлари
(1990 йилга нисбатан % хисобида)

| Мамлакатлар | 1994 | 1996 | 1997 |
|---|---|---|---|
| *Хитой* | *155,8* | - | - |
| *Польша* | *102,8* | - | - |
| Венгрия | 84,4 | - | - |
| Ўзбекистон | 83,3 | 82 | 86 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| Чехия | 82,3 | - | - |
| Словакия | 82,0 | - | - |
| Болгария | 80,0 | - | - |
| Руминия | 76,9 | - | - |
| Беларусь | 63,7 | 66 | 43 |
| Украина | 53,0 | 43 | 42 |
| Россия | 52,8 | 59 | 59 |
| Қирғизистон | 50,0 | 54 | 60 |
| Қозоғистон | 49,9 | 61 | 62 |
| Озорбайжон | 46,2 | 42 | 44 |
| Арманистон | 39,1 | 56 | 58 |
| Молдова | 38,8 | 36 | 37 |
| Грузия | 20,2 | 38 | 42 |

МДҲ мамлакатларининг ялпи ички махсулот кўрсаткичлари
(1991 йилга нисбатан % хисобида)

| | 2000 | 2001 | 2002 | 2003 | 2004 |
|---|---|---|---|---|---|
| Ўзбекистон | 98,6 | 103,7 | 106,8 | 111,4 | 120,0 |
| Озарбойжон | 59,3 | 65,1 | 72,0 | 80,1 | 88,3 |
| Арманистон | 76,8 | 84,2 | 95,3 | 108,2 | 119,1 |
| Беларусь | 89,7 | 94,0 | 98,7 | 105,4 | 117,0 |
| Грузия | 47,5 | 49,8 | 52,5 | 58,4 | 63,0 |
| Қозоғистон | 78,0 | 88,5 | 97,2 | 106,2 | 116,2 |
| Қирғизистон | 72,2 | 76,1 | 76,1 | 81,2 | 87,0 |
| Молдова | 42,0 | 45,0 | 48,0 | 51,0 | 54,7 |
| Россия | 70,8 | 74,4 | 77,9 | 83,6 | 89,5 |
| Тожикистон | 41,0 | 45,0 | 49,0 | 54,0 | 59,7 |
| Украина | 47,4 | 51,7 | 54,4 | 59,5 | 66,6 |
| МДҲ бўйича ўртача | 68,0 | 73,0 | 77,0 | 82,0 | 88,6 |

Ялпи ички миллий маҳсулотни бошқа
МДҲ мамлакатлари билан таққосланган кўрсаткичлари (1990-2005 йиллар)[1]

| Мамлакатлар | 2005 йил 1990 йилга нисбатан % | Шу жумладан | | |
|---|---|---|---|---|
| | | 1995 йил 1990 йилга нисбатан % | 2000 йил 1995 йилга нисбатан % | 2005 йил 2000 йилга нисбатан % |
| Ўзбекистон | 128,4 | 81,7 | 131,3 | 130,1 |
| Озарбайжон | 119,6 | 41,7 | 152,5 | 186,0 |
| Арманистон | 130,5 | 53,0 | 139,1 | 177,0 |
| Белоруссия | 136,3 | 64,3 | 147,4 | 144,0 |
| Грузия | 52,9 | 28,1 | 144,1 | 130,5 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Қозоғистон | 111,4 | 59 | 111,5 | 162,0 |
| Қирғизистон | 85,2 | 50,2 | 140,9 | 120,0 |
| Тожикистон | 71,0 | 40,8 | 109,4 | 159,0 |
| Туркманистон | - | 60,5 | 121,1 | - |
| Молдова | 63,6 | 50,7 | 95,3 | 130,8 |
| Россия | 95,2 | 63,1 | 111,8 | 135,0 |
| Украина | 64,1 | 44,4 | 99,5 | 145,0 |
| МДҲ мамлакатлар бўйича ўртача | 90,7 | 57,4 | 111,7 | 139,0 |

Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суратлари

| Йиллар | Ўтган йилга нисбатан | % |
|---|---|---|
| 1997 | 1996 йилга нисбатан | 5,2 % |
| 1998 | 1997 йилга нисбатан | 4,4 % |
| 1999 | 1998 йилга нисбатан | 4,4 % |
| 2000 | 1999 йилга нисбатан | 4,0 % |
| 2001 | 2000 йилга нисбатан | 4,5 % |
| 2002 | 2001 йилга нисбатан | 4,2 % |
| 2003 | 2002 йилга нисбатан | 4,5% |
| 2004 | 2003 йилга нисбатан: | 7,7% |
| 2005 | 2004 йилга нисбатан | 7,0% |
| 2006 | 2005 йилга нисбатан | 7,3% |
| 2007 | 2006 йилга нисбатан | 9,5% |
| 2008<br>2009<br>2010<br>2012 | 2007 йилга нисбатан<br>2008 йилга нисбатан<br>2009 йилга нисбатан<br>2010 йилга нисбатан | 9,0%<br>8,1%<br>8,5%<br>кутилмоқда<br>8,3 прогноз |

Геоиқтисодий ҳолат.
Коммуникация ҳолатини яхшилаш
Трансчегаравий сув масаласи
Иқтисодий ресурсларга нисбатан геостратегик манфаатлар
(Марказий Осиё ва Каспий ҳавзаси нефт ва газ заҳиралари)
Биз осон йўлни қидирмадик.

Шу ўринда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг кўпчилик мамлакатлари энг осон йўлдан кетганларини эслатиб ўтиш жоиздир.

Маҳсулот экспортидан тушган барча ресурслар ва хориждан олинган кредитлар, энг аввало, турли импорт молларига, улар билан ички бозорни тўлдиришга сарф этилди ва шу тариқа ўзлари билган ва билмаган ҳолда, мамлакатнинг ўзида товар ишлаб чиқарувчиларни бозордан четга чиқариб қўйдилар. Пировард оқибатда шу бўлдики, улар саноат ва қишлоқ хўжалиги, туб маънода эса, буткул миллий иқтисодиёт заифлашган, аксар ҳолларда бутунлай таназзулга, парокандаликка учраган ҳолда, жуда катта валюта маблағларини бирпасда еб қўйдилар.

Биз эса оғир йўлни танладик. Ўз маблағларимиз ва бошқалардан олган қарз маблағларнинг асосий қисми инвестициялаш учун, ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва ўстириш учун ажратилди. Яъни, истеъмол қилишни эмас, балки инвестицияларни, ўзбекчасига айтадиган бўлсак, сармоя ётқизишни кўпайтирдик. Бугун ўша сармоялар ўз меваларини бермоқда.

Асака шаҳрида қурилган автомобил заводи ҳам худди шундай мевадир. Бухорода қурилаётган нефтни қайта ишлаш заводи ҳам шу сирага киради.

Кўкдумолоқ нефть конини изга солиш, Қувасой шаҳрида янги турли ойна шишаси тайёрловчи завод, Андижон, Қўқон ва Янгийўлдаги спирт заводлари, Хоразм вилоятида қурилаётган шакар заводи, Қорақаллпоғистон сода заводи, Чирчиқдаги ҳароратга чидамли металлар заводи, Олмалиқ кон-металлургия заводини реконструкция қилиш, Навоий кон-металлургия заводининг 2-гидрометаллургия заводини ишга тушириш, янги темир йўллар, автомобил йўллари, ободончилик ишлари – буларнинг барчаси биз танлаган машаққатли йўлда қурилган ва насиб этса, эртанги кунда барча оғиримизни енгил қиладиган бунёдкорлик натижасидир.

*Каримов И.А. Янгича фикрлаш – давр талаби. –Т., Ўзбекистон, 5-жилд, 1997. 91-бет*

Старт ҳолатда (1990й.) постсоциалистик ва постсовет мамлакатлари билан қиёслаганда амалга ошириш мумкин бўлган ва “бўлмаган” натижаларга эришилди.

Барқарор ривожланиш шароитида жаҳонда молиявий, иқтисодий инқироз юз берди.

**3-режа**

Жаҳон молиявий ва иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистон иқтисодиёти асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2009 йилнинг якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси асосида инқироз сабаблари АҚШ Жаҳон ЯИМнинг 80% кучли 20 та давлатга тўғри келади. (2010 йил ноябрь, СЕУЛ саммити )трансмиллий корпорациялар

Жахон молиявий-иқтисодий инқирознинг холати ва оқибатлари Молия-банк тизимидаги инқироз жараёнлари деярли бутун дунёни қамраб олаётгани, иқтисодий пасайишнинг муқаррарлиги, инвестициявий фаоллик кўламининг чекланиши, талаб ва халқаро савдо ҳажмининг камайиши, шунингдек, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига таъсир кўрсатадиган жиддий ижтимоий талафотлар содир бўлиши мумкинлиги ўз тасдиғини топмоқда. Авж олиб бораётган глобал молиявий инқироз жаҳон молия-банк тизимида жиддий нуқсонлар мавжудлиги ва ушбу тизимни тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини кўрсатди. Айни вақтда бу инқироз асосан ўз корпоратив манфаатларини кўзлаб иш юритиб келган, кредит ва қимматбаҳо қоғозлар бозорларида турли спекулятив амалиётларга берилиб кетган банклар фаолияти устидан етарли даражада назорат йўқлигини ҳам тасдиқлади. Жахон молиявий-иқтисодий инқирознинг холати ва оқибатлари Молиявий-иқтисодий инқирознинг ҳар қайси давлатдаги миқёси, кўлами ва оқибатлари қандай бўлиши кўп жиҳатдан бир қанча омиллардан келиб чиқади.Жаҳон молиявий инқирозидан имкон қадар тез чиқиш, унинг оқибатларини енгиллаштириш кўп жиҳатдан ҳар қайси давлат доирасида ва умуман, дунё ҳамжамияти миқёсида қабул қилинаётган чора-тадбирларнинг қанчалик самарадорлигига, уларнинг бир-бири билан уйғунлигига боғлиқ. Ўзбекистон Республикасида 2005-2009 йилларда ялпи ички маҳсулоти суръатлари (олдинги йилга нисбатан фоизда) Ўзбекистон Республикасини ялпи ички махсулотнинг таркиби (жамига нисбатан фоизда) Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик Кичик бизнес субъектлари ялпи махсулотнинг қарийб 50 фоизини ишлаб чиқармоқда. Холбуки, 2000 йилда бу кўрсаткич 30 фоизни ташкил этган эди.

2009 йилда кичик саноат корхоналари учун ягона солиқ тўлови 8 фоиздан 7 фоизга пасайтирилди, якка тартибдаги тадбирколрлик учун эса қайд этилган солиқ миқдори ўртача 1,3 баробар камайтирилди

**4-илова**

**1920-30 йилларда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти мавзусу бўйича**

***ФСМУ технологияси***

**(Ф)** – Фикрингизни баён этинг.

**(С)** – Фикрингиз баёнига бирон сабаб кўрсатинг.

**(М) –** Кўрсатилган сабабни тушунтирувчи мисол келтиринг.

**(У)** – Фикрингизни умумлаштиринг.

Ушбу технология тингловчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга, эгалланган билимларни таҳлил қилишга, қайражада эгаллаганликларини баҳолашга ҳамда тингловчиларни баҳслашиш маданиятига ўргатади.

| | |
|---|---|
| **Ф** | Фикрингизни баён этинг. |
| **С** | Фикрингизни баёнига бирор сабаб кўрсатинг. |
| **М** | Кўрсатилган сабабни тушунтирувчи мисол келтиринг. |
| **У** | Фикрингизни умумлаштиринг. |

## МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

| | |
|---|---|
| **7-мавзу** | **Ўзбекистонда маънавий-руҳий покланиш. Миллий қадриятларнинг тикланиши** |

**1.1. Таълим бериш технологиясининг модели**

| | |
|---|---|
| ***Машғулот вақти*-2 соат** | **Талабалар сони: 40-50 гача** |
| ***Машғулот шакли*** | **ахборотли маъруза** |

| | |
|---|---|
| *Маъруза режаси* | **Режа:**<br>25. Миллий ғоя<br>26. Мамлакатимизда маънавий инқироздан чиқиш жараёни<br>27. Янги жамият қуришда таълим ва тарбия |
| *Ўқув машғулотининг мақсади:*. Ўзбекистонда маънавий-руҳий покланиш. Миллий қадриятларнинг тикланиши тўғрисида маълумот бериш. | |
| *Педагогик вазифалар*:<br>• Миллий ғоя ҳақида маълумот бериш<br>• Мамлакатимизда маънавий инқироздан чиқиш жараёни ҳақида маълумот бериш<br>• Янги жамият қуришда таълим ва тарбия ҳақида маълумот бериш | *Ўқув фаолияти натижалари:*<br>• Миллий ғоя ҳақида маълумотга эга бўладилар<br>• Мамлакатимизда маънавий инқироздан чиқиш жараёни ҳақида маълумотга эга бўладилар<br>• Янги жамият қуришда таълим ва тарбия ҳақида маълумотга эга бўладилар |
| *Таълим бериш усуллари* | *Кўргазмали маъруза, суҳбат,* ФСМУ пед.технологияси |
| *Таълим бериш шакллари* | *Оммавий, жамоавий* |
| *Таълим бериш воситалари* | *Ўқув қўлланма, проектор, қўшимча адабиётлар* |
| *Таълим бериш шароити* | *ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория* |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | *Оғзаки назорат: савол-жавоб* |

**1.2.** "Ўзбекистонда маънавий-руҳий покланиш. Миллий қадриятларнинг тикланиши" маъруза машғулотининг технологик харитаси

| ***Иш босқичлари ва вақти*** | ***Фаолият мазмуни*** | |
|---|---|---|
| | ***Таълим берувчи*** | ***Таълим олувчилар*** |
| **1. Мавзуга кириш** *(15 дақиқа)* | 1.1. Машғулот мавзуси, режаси унинг мақсади ва ўқув фаолияти натижалари билан таништиради. (1илова)<br>1.2. .Фойдаланиладиган ўқув адабиётлари билан таништиради. (2 илова)<br>1.2. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари билан таништиради *(3-илова).* | Тинглайдилар.<br>Тинглайдилар<br>Тинглайдилар |
| **2. Асосий босқич** | 2.1. Power Point дастури ёрдамида слайдларни намойиш қилиш ва изоҳлаш билан мавзу бўйича асосий назарий жиҳатларини тушунтириб беради (4илова)<br>2.22.3. Талабалар билимларини фаоллаштириш ва | Тинглайдилар, ёзадилар.<br>Талабалар топшириқлар |

| | | |
|---|---|---|
| (55 дақиқа) | мустаҳкамлаш мақсадида ФСМУ технологиясидан фойдаланилади (5 илова)<br><br>2.3. Талабаларга мавзунинг асосий жиҳатлар такрорланади | бўйича ишлайдилар<br><br>Тинглайдилар, ёзадилар. |
| **3. Якуний босқич** *(10 дақиқа)* | 3.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради,<br>3.2 Мавзу юзасидан якунловчи хулоса қилади.<br>3.3. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаб, берилган адабиётлар билан танишиб келиш топширилади. | Саволлар берадилар.<br>Тинглайдилар.<br>Вазифани ёзиб оладилар. |

**1 илова**

**Мавзу:** Ўзбекистонда маънавий-руҳий покланиш. Миллий қадриятларнинг тикланиши

**Режа:**

1. Миллий ғоя
2. Мамлакатимизда маънавий инқироздан чиқиш жараёни
3. Янги жамият қуришда таълим ва тарбия

***Ўқув машғулотининг мақсади:*** Ўзбекистонда маънавий-руҳий покланиш. Миллий қадриятларнинг тикланиши бўйича умумий тушунча бериш.

***Ўқув фаолиятининг натижаси:*** Ўзбекистонда маънавий-руҳий покланиш. Миллий қадриятларнинг тикланиши ҳақида маълумотга эга бўладилар.

**2 илова**

Адабиётлар рўйҳати:


- Каримов И.А. Юксак тафаккур – демократик жамият тақозоси. // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд, 25 – 30-бетлар.
- Ўзбекистон 21-аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд, 51 – 62, 125- 135-бетлар.
- Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. 16-жилд, 2008. 30 – 36 бетлар.
- Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. // Биз ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.:1999. 84 – 102 бетлар.
- Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. // Биз ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.:1999. 132-154 бетлар.
- Каримов И.А. Юксак маънавият – жамият тараққиётининг асоси. // Биз ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.:1999. 223 – 235 бетлар.
- Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда юрагимизда. // Биз ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Т.:1999. 349 – 354 бетлар.
- Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008.


**3-илова**

**Маърузада 5 дан 2 баллгача қўйилади. Рейтинг бўйича натижалар баҳоси:**

5 балл - «аъло»
4 балл - «яхши»
3 балл - «кониқарли»
2 балл - «қониқарсиз»

**4-илова**

## 1-режа

ҒОЯ – инсон тафаккурида вужудга келадиган, ижтимоий характерга эга бўлган, руҳиятга кучли таъсир ўтказиб, жамият ва одамларни ҳаракатга чорлайдиган, мақсад-муддао сари етаклайдиган кучли, теран фикр.

"Ғоя – инсон тафаккурининг маҳсули, Миллий ғоя эса миллат тафаккурининг маҳсули. Миллий ғоя – инсон ва жамият ҳаётига маъно-мазмун бахш этадиган, уни эзгу мақсад сари еталайдиган фикрлар мажмуидир"

*"Миллий истиқлол ғояси: асосий тунунча ва тамойиллар" рисоласидан*

ҒОЯСИЗЛИК – бирор шахс ёки ижтимоий гуруҳнинг онги ва қалбида муайян мақсад сари етакловчи фикрнинг йўқлиги. Ғоясизлик одатда ҳали ўзлигини англаб етмаган, ўз манфаат ва имкониятларини ифода эта олмайдиган, мақсад-муддаолари ва ҳаётий қадриятларини англаб етмаган кишилар ва тоифаларда учрайди. Ҳаётда юксак ғояси, эзгу орзу-интилишлари бўлмаган одам фақат табиий эҳтиёжлар доираси билан чегараланиб қолади. Ғоясизлик маънавияти тубан, имон-эътиқоди суст, мафкураси бузуқ кимсаларни юзага келтиради. Ўз ўтмиши ва насл-насабини билмаслик, тарихий хотирани унутиш ҳам ғоясизликнинг бир кўринишидир. Бундай кимсалар ўз ота-онасига қўл кўтариши ҳам, ўз Ватанини сотиши ҳам мумкин. Ғоясизлик ижтимоий хатарли ҳодиса бўлиб, шу жамият ва халққа ёт бўлган бегона кучлар бундай одамлардан мафкуравий таъсир ва руҳий тазйиқ орқали ўз ғаразли ниятларига етиш мақсадида фойдаланадилар.

ҒОЯВИЙ САВОДСИЗЛИК – мафкуравий жиҳатдан етарли билим, малака, кўникмага эга бўлмаган инсонларга хос бўлган хусусият. Ғоявий саводсизликнинг асосини мустақил фикрга, собит эътиқодга, мустаҳкам ирода ва дунёқарашга эга бўлмаслик ташкил этади. Бундай киши жамиятда ўз ўрнига, ўзининг аниқ ҳаётий позициясига эга бўлмайди. Натижада у турли зарарли ғоялар, ёт, бегона мафкуралар таъсирига жуда осон тушиб қолади. Сўнгги йилларда айрим ғоявий саводсиз кишиларнинг турли хил мафкуравий тазйиқлар туфайли ёт, бегона ғоялар таъсирига тушиб қолганлиги кузатилди. Жумладан, дин ниқоби остида омма онгини заҳарлашга, жамиятга моддий ва маънавий зарар етказишга ҳаракат қилинмоқда. Бундай пайтда халқни турли мафкуравий хавф, таҳдидлардан ҳимоя қилиш, аҳоли, айниқса, ёшларда мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш, ғоявий саводхонликни ошириш долзарб вазифага айланди.

ҒОЯВИЙ БЎШЛИҚ - муайян шароитда жамият, ундаги тоифа ва қатламларнинг онгида содир бўладиган ғоясизлик, мафкуравий вакуум ҳолати. Муайян ақидалар, фикр ва ғоялар замон танқидига учраганда ёки янги пайдо бўлган ижтимоий-сиёсий кучлар томонидан инкор этилганда, давр талабига жавоб берадиган ғоя ва мафкура тўла шаклланиб улгурмаган ҳолларда жамиятда ғоявий бўшлиқ вужудга келади. Ғоявий бўшлиқнинг юзага келиши чуқур ижтимоий–сиёсий, маънавий психологик муаммо ва жараёнлар билан боғлиқ. Одатда янги ғоялар турлича таъсир кучига эга бўлади. Айрим гуруҳлар уларни жуда тез қабул қилади, баъзи тоифаларнинг аввалги мафкуравий ақидалардан юз ўгириши ва янги ғояларни қабул қилиши эса қийин кечади. Ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишининг яна бир манбаи – жамиятда бу соҳадаги тарбиянинг етарли эмаслиги, мафкуравий жараёнларнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги бўлиши ҳам мумкин. Агар давлат ёки миллат, ижтимоий гуруҳ ёҳуд қатлам ўз манфаатларини, мақсад-муддаоларини аниқ-равшан ифода этадиган ўз ғояларини кишилар, айниқса, ёш авлод онгига мунтазам сингдирмаса, ғоявий бўшлиқ пайдо бўлади, ишонч-эътиқод сусаяди, мафкуравий таҳдидлар кучаяди. Ғояси йўқ, эътиқоди бўш одамлар эса, таъсирга тез берилувчан бўлади ўз йўлини, йўқотиб қўяди. Ғоявий бўшлиқ, имонсизлик, манқуртлик жамият учун жиддий хавф солади. Агар

ғоявий бўшлиқ пайдо бўлса, сўзсиз унинг ўрнини шу халқнинг табиатига бегона турли хил мафкуравий тазйиқлар эгаллаб олиши ва ўз таъсирини ўтказди.

МАФКУРА (*араб.* – фикрлар мажмуи) – муайян ижтимоий гуруҳ, қатлам, миллат, жамият, давлат манфаатлари, орзу-истак ва мақсад-муддаолари ифодаланган ғоявий-назарий қарашлар ва уларни амалга ошириш тизими.

Унда манфаатлар ифодаланаётган куч ва қатламларнинг ўтмиши, бугунги куни ва истиқболи ўз ифодасини топади. Инсоният тарихида турли-туман Мафкуралар бўлган. Турли халқлар ва ижтимоий кучларнинг ғоявий раҳнамолари, мутафаккир ва арбоблари, ўзларининг манфаат ва мақсадларидан келиб чиқиб, мафкуравий таълимот ва дастурлар ишлаб чиққанлар. Мафкура муайян диний, фалсафий таълимот асосида яратилади, маълум илмий қараш ва ахлоқий тамойилларга таянади. Мафкуралар ўз моҳияти ва таъсир кучига кўра, жамиятни бирлаштириши ёки уни бир-бирига қарама-қарши тарафларга бўлиб юбориши, давлатнинг жаҳондаги обрў ва мавқеини ошириши ёки тушириши, халқларни юксакликка кўтариши ёки таназзулга дучор этиши мумкин. Юксак мақсадлар, *бунёдкор ғоялар*га асосланган Мафкура ижтимоий - иқтисодий тараққиётга туртки бўлади, маънавиятни юксалтиради, инсонларни улуғвор ишларга сафарбар этади. Озодлик, эркинлик, мустақиллик, тинчлик, ҳамкорлик ғоялари асосида шаклланган, эзгу мақсадларга хизмат қиладиган мафкура бунёдкорлик хусусиятига эга бўлади. Вайронкор ғоялар асосида шаклланган мафкуралар эса жамият тараққиётига ғов бўлади, миллат ва халқларни асоратга солади. Бундай мафкура ўз мазмун–моҳиятига кўра, ҳукмрон, мустабид, тажовузкор, босқинчилик, экстремистик, ақидапарастлик шаклларида намоён бўлади. Собиқ иттифоқ даврида мафкурага умуминсоний қараш шаклланмаган, бунга йўл қўйилмаган эди.

«Бугунги кунда халқни якдил қиладиган ишлар ва ғоялар оз эмас. Уларнинг ичида энг улуғи, энг олижаноби – Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини таъминлаш. Ана шу мақсад, ана шу ғоя атрофида бирлашсак, асло хор бўлмаймиз, азиз ватандошлар!»

1992-йил 2-июлда бўлган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ўнинчи сессияси сўзланган нутқ.

«Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асари (1992й.)

Ўзбекистонни янада ривожлантиришнинг ўз йўли тўртта негизга асосланиши, яъни:

– умуминсоний қадриятларга содиқлик;

– халқимизнинг маънавий меросини сақлаш ва ривожлантириш;

– инсон ўз имкониятларини эркин намойиш қилиши;

– ватанпарварлик – истиқлол мафкураси учун асос бўлувчи қоидалар сифатида кўрсатилиб берилди

1993-йил 6майда мамлакат Олий Кенгашининг 12-сессиясида мафкурасиз, аниқ йўналишга эга бўлган ғояларсиз тараққиёт бўлмаслигини, олдимизда турган энг муҳим масалалардан бири миллий истиқлол мафкурасини яратиш эканлигини кўрсатиб берди.Жамиятимиз мафкурсаи халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга этсин

(“Тафаккур” журнали Бош муҳаррири саволларига жавоблар 1998й.).

Тарихий хотирасиз келажак йўқ. (Тарихчи олимлар ва журналистлар билан суҳбат 1998й.).2001 йил 18 январдаги ЎЗбекистон Республикаси Президентининг “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фани бўйича таълим дастурини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида” фармойиши билан 2001 йилдан таълим тизимига ўқув фанлари жорий этилди.

“Миллий ғоя деган сўз фақат бир миллатга мансуб бўлиб бўлиб қолмасдан мана шу табаррук диёримиз Ўзбекистон тупроғида яшаётган, уни ўз она Ватани деб биладиган барча миллат ва элатларга дахлдор”И.А.Каримов «Ҳизбу –т- таҳрир ал-исломия» норасмий сиёсийлашган партия 1953 йилда пайдо бўлган. Унинг асосчиси Мисрдаги “ал-Азҳар” университетини тамомлаб, Қуддус шаҳри шаърий шикоят судининг аъзоси лавозимида ишлаган шайх Тақийддин Набаҳоний (1909-1979) бўлиб ҳисобланади. У Иорданиядаги “Ал-Ахвон ал-муслимун” (Мусулмон биродарлар) диний экстремистик

ташкилоти раҳбарларидан бири эди. Набаҳоний ўз қарашларини "Ислом низоми", "Исломий оламга қайноқ нидолар", "Ҳизбу-т-таҳрир тушунчалари" ва бошқа рисолаларида баён қилган. Бугунги кунда партияга Фаласиннинг Халил шаҳрида туғилган Абдулқадим Заллум раҳбарлик қилмоқда. Мазкур диний ташкилот фаолияти 1982 йилдан сезиларли жонланди. Ташкилот раҳбарларининг асосий қисми Ғарбий Европа давлатларида фаолият олиб боради. Партия шўъбалари Миср, Иордания, Тунис, Қувайт ҳамда Туркияда тарқалган.

"Ҳизбу-т-таҳрир"нинг бошқа норасмий диний ташкилотлардан фарқи – улар ҳужумни асосан кишилар онгини заҳарлашга қаратадилар, яъни исломий давлат низомини тарғиб этишни бош мақсад қилиб қўядилар. Бу мақсадларни амалга ошириш учун 1989 йилда ташкилотнинг "Ал-Ваъй" (Онг) номли журнали чиқа бошлади. Энг ёмони, мазкур журналнинг баъзи сонлари махфий равишда юртимизда ҳам тарқалган.

"Ҳизбу-т-таҳрир"нинг ғояси ва мақсади исломнинг асл таълимотидан узоқ, демократик-ҳуқуқий давлат конституциясига зид, кишиларнинг диний эътиқоди, демократик тамойиллар, жумладан, виждон эркинлишини суистеъмол қилиш, сиёсий ҳокимиятга интилишдан иборат. Бундай партия ва оқимларнинг асосий мақсади мамлакатда сиёсий беқарорлик, иқтисодий таназзул, энг ёмони, биродаркўшлик, хунрезликни келтириб чиқариб, тараққиётга тўсқинлик қилишдир.

Ваҳҳобийлик – диний-сиёсий оқим бўлиб у 18-асрда Марказий Арабистоннинг Нажд воҳасида юзага келган. Унга Муҳаммад ибн Абдул Ваҳҳоб (1703-1794) асос солган. Ваҳҳобийлар бевосита дин номидан иш кўрган ва уни "тозалаш", яъни пайғамбар давридаги асл ҳолатига қайтариш каби ғояларни илгари сурган. Инглиз мустамлакачилиги бу вазиятдан ўз мақсадида фойдаланган: ғоя тарафдорлари қуроллантирилб, Усмонли туркларга қарши жанга ташланган. Шунинг учун ҳам улар усмонли туркларга мансуб бўлган ҳанафий мазҳабини кофир мазҳаби деб эълон қилишган.

Ваҳҳобийлар дунёвий маданиятга қарши бўлиб, мусиқа, театр ва тасвирий санъатни гуноҳ деб ҳисоблашади. Айни пайтда улар ҳокимиятни эгаллаш ва унинг воситасида ўз тартиб-тамойилларини ҳаётга татбиқ этиш учун қатъий кураш олиб боришади. Фақат бу ниятни амалга оширишда дин улар учун ниқоб, холос. Ваҳҳобийлик ҳаракти 19-аср бошларида жуда авж олган эди. Ваҳҳобийлар иймон масаласида ўта мутаассиблик, сиёсий рақиблар билан курашда эса ошкора экстремизм йўлини тутганлар, диндан ўз сиёсий ниятларини амалга оширишда восита сифатида фойдаланганлар. Ваҳҳобийлар 1803 йили Маккани, кейин Мадинани босиб олишади. Бу муқаддас жойлардаги барча қабр тошларини, ҳатто Биби Ойша, Биби Фотима ва саҳобалар сағанасидаги қабр тошларни бузиб, синдириб ташлашади. 1810 йили Муҳаммад пайғамбаримиз масжидини ҳам талон-тарож қилишади

ИСЛОМ ФУНДАМЕНТАЛИЗМИ – Қуръон ва ҳадисларни сўзма-сўз талқин этувчи, илк исломга қайтишга қаратилган ўз ақидаларини кенг тарғиб қилувчи, диний консерватив руҳдаги йўналишга нисбатан ишлатиладиган атама. Аслида "фундаментализм" сўзи 20-аср бошида америкалик протестантларнинг бир гуруҳига берилган ном бўлса-да, охирги пайтларда жаҳон матбуотларида мутаасиб ислом жангариларини фундаменталистлар деб аташ одат тусига кирди. Ислом фундаментализми турли-туман йўналиш ва кайфиятдаги гуруҳларни ўз ичига олади. уларнинг баъзилари сиёсий жабҳада, инқилобий ва ҳатто террористик усуллар билан қонуний ҳокимиятга қарши курашда ўзларини намоён этсалар, бошқалари тарғибот-ташвиқот ишлари, диний таълим, турли жамоат ташкилотлари, мактаб, университет, оммавий ахборот воситаларига кириб бориш, айниқса, фойдаланиш осон бўлган аудио-видео кассеталарни тарқатиш билан шуғулланади. Ислом фундаментализми учун умумий бўлган ғоялар - гўёки динсиз ёки "соф исломдан чекинган" давлат раҳбарларини жисмонан йўқ қилиш, ва ниҳоят, уларнинг таъбири билан айтганда, исломда "ширк" (бутпарастлик)ка барҳам беришдир. Азиз авлиёлар қабрларига эъзоз билдириш, масалан Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро ва Баҳоуддин Нақшбанд каби

тасаввуф тариқатлари асосчиларининг руҳи-покларини ҳурматлаш ҳам ислом фундаментализми талқинида будпарастликка киради. Транспорт ва коммуникация воситаларининг тараққиёти юз бераётган, халқаро алоқалар тобора эркинлашаётган ҳозирги даврда ислом фундаментализми вакиллари ўз ҳаракатларини бутун дунё бўйлаб ёйишга интилмоқдалар.

| | |
|---|---|
| Миср | 1977 й. 2 июль. Қонун: мамлакатда диний асосдаги сиёсий партия тузиш тақиқланган |
| Сурия | 1980 й. 7 июль. Қонун: “Ал-Ахвон ал-муслимун” (Мусулмон биродарлар) партиясига мансубларни ўлим жазосига ҳукм қилади |
| Ироқ | 1980й. 31 март. Қонун: «Ислом даъвати» партиясига мансубларга ўлим жазоси белгиланган |
| Тунис | 1981й.сентябрь. Қонун. Мактаблар ва жамоат жойларида диний либослар кийиш тақиқланган |

**2-режа**

Мамлакатимизда маънавий инқироздан чиқиш жараёни.

1986- 90 йилларда Ўзбекистонга нисбатан қаратилган ССРнинг сиёсатида халқнинг азалий, миллий қадриятларига қарши курашни ҳар қачонгидан ҳам кучайди. Бундай ҳаракатлар бизнингча, қуйидаги ҳолатлар билан изоҳланади.

Биринчидан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг XVI Пленумидан сўнг республикада ижтимоий-маънавий аҳволни тартибга солиш ниқобида СССРнинг бошқа минтақаларидан жўнатилган кадрларнинг кўплари Ўзбекистонда раҳбар лавозимларга тайинланишларини ўзбошимчалик қилиш учун берилган ёрлиқ деб билдилар. Халқнинг жуда бой тарихи ва маданиятини билишни истамаган бундай кадрлар жумҳурият маънавий ҳаётини барбод этишга ҳаракат қилдилар. Шу тариқа халқнинг кўп асрлик анъаналарини, маданияти ва урф-одатларини менсимаслик элни ранжитди.

Иккинчидан, айрим маҳаллий раҳбарлар, хусусан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг собиқ маҳаллий миллатга мансуб раҳбарлари ўша даврда амал курсисини йўқотмаслик учун марказга қўғирчоқ бўлиб қолдилар, сотқинлик қилишдан ўзларини тия олмадилар. Натижада халқнинг урф-одатлари, анъаналари, маданияти оёқ ости қилинди. Она тилининг қўлланиш соҳаси сунъий тарзда чеклаб қўйилди. Ҳатто шундоқ ҳам миллий анъаналардан анча олисда бўлган айрим санъат турлари кимларгадир мақбул бўлмай, уларни миллий маҳдудликда айблашиб, муаллифлар таъқиб остига олинди.

1986-йил 4-октабрда Ўзбекистон КПМКнинг 3-Пленуми «Идеология ишининг самарадорлигини янада ошириш юзасидан республика партия ташкилотининг вазифалари» масаласини муҳокама қилди.

«Ўтмишни идеаллаштириш, носинфий ва нотарихий ёндашиш шунга олиб келдики, Темур каби феодал золимлар театр саҳналарида, кино экранларида, китоб саҳифаларида шу вақтга қадар кўзга ташланиб турибди, айрим ёзувчиларнинг эътиборида тарих ҳақиқатига зид равишда у инсонпарвар ва узоқни кўра билувчи сиёсатчи қилиб кўрсатилган...», деб таъкидланди юқоридаги Пленумда

Миллий қадриятларни тиклаш

(1989 – 90 йиллар)

1989 йил 21-октабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида»ги Қонун халқимиз миллий онгининг ривожланишида, мамлакат мустақиллигининг мустаҳкамланишида, маданий мероснинг тикланиши ва жамиятнинг маънавий янгиланишида муҳим рол ўйнади.

"Наврўз" байрами қайта тикланди

1991-йилдан бошлаб мамлакатда Президент Фармонига кўра, 21-март – Наврўз умумхалқ байрами сифатида нишонланадиган бўлди.

ЎзКП 22-сездида (1990-й. июн) сиёсий маъруза қилган, унинг биринчи котиби И.А.Каримов шундай деди: «Яқиндагина ўзбек адабиётининг классиги Бобурни баҳолашда тор синфий ёндашув рўй берди. Адиб ижодининг миллий ва умуминсоний аҳамияти камситилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг 1986-йилда бўлган учинчи Пленумида Бобур шахси таҳқирланиб, у «маърифатли золим» деб тилга олинди. Халқимиз Марказий Қўмита ва жумҳурият ҳукуматининг Навоий, Улуғбек, Бобур, Машраб, Фурқат, Қодирий ва халқимизнинг бошқа буюк фарзандлари юбилейларини ўтказиш тўғрисидаги қарорини жуда руҳланиб кутиб олганлиги бежиз эмас. Уларнинг мероси Ўзбекистон халқлари умуминсоний қадриятларининг равнақи ва бойишига хизмат қилиб келган эди ва бундан буён ҳам хизмат қилади. Биз уларнинг бебаҳо меросини халққа, аввало ёшларга етказиш учун барча ишларни қиламиз».

1991-йилда Мир Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги барча ҳур фикрли кишилар томонидан кенг нишонланди. Бу тўйга республикада катта тайёргарлик кўрилди ва у халқнинг катта маданият байрамига айланди. Аввало буюк шоир асарларини кенг халқ оммасига етказиш учун муҳим ишлар амалга оширилди. Унинг йигирма жилдлик мукаммал асарлар тўплами нашр этила бошланди. Бундан ташқари «Лисон-ут тайр», «Сабъаи сайёр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Ҳайрат-ул Аброр» сингари шоҳ асарлари алоҳида-алоҳида ҳолда бир неча минг нусхада босмадан чиқарилди. Бир неча илмий-оммабоп асарлар совға китоблар сифатида нашр қилинди.

**3-режа**

Янги жамият куришда таълим ва тарбия




Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992-йил 2-июлдаги қарорига асосан «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни амалга кирди.

Энг замонавий, шу пайтгача бўлмаган энг зарур ихтисосликлар бўйича алоҳида университет ва институтлар, жумладан, Мудофаа вазирлиги қошида Ҳарбий академия, Ички ишлар вазирлиги қошида Ички ишлар академияси, Банк-молия академияси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент авиация институти, Навоий тоғ-кончилик институти каби ўнлаб янги ўқув муассасалари ташкил этилди.

Вилоятларда ҳам янгидан-янги ўқув юртлари очилди. Президент И.Каримовнинг 1992-йил 28-феврал Фармони билан 8 вилоят педагогика институтларига университет мақоми берилди.

"Таълим тўғрисида" Қонун (1997й)

Қонуннинг 10-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида таълим қуйидаги турларда амалга оширилади:

– мактабгача таълим;
– умумий ўрта таълим;
– ўрта махсус, касб-ҳунар таълими;
– олий таълим;

– олий ўқув юртидан кейинги таълим;
– кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;
– мактабдан ташқари таълим.

ТАЪЛИМ (2001й.)

| Мамлакатлар | ЯИМ % хисобида |
|---|---|
| АҚШ | 5,0 |
| Япония | 4,9 |
| Дания | 84, |
| Швеция | 7,8 |
| Канада | 7,2 |
| Финландия | 7,3 |
| Туркия | 3,5 |
| Россия | 3,0 |

ЎЗБЕКИСТОНДА

| Йиллар | ЯИМ % |
|---|---|
| 1998 | 7,8 % (103,1 млр.сўм) |
| 1999 | 8,1 % (143 млрд.сўм) |
| 2000 | 11,28% |
| 2004 | Бюджетнинг 38-40 % |
| 2005 | Бюджетнинг 48-50% |

**6-илова**

Миллий қадриятларнинг тикланиши” мавзуси бўйича

*ФСМУ технологияси*

**(Ф)** – Фикрингизни баён этинг.

**(С)** – Фикрингиз баёнига бирон сабаб кўрсатинг.

**(М) –** Кўрсатилган сабабни тушунтирувчи мисол келтиринг.

**(У)** – Фикрингизни умумлаштиринг.

Ушбу технология тингловчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда

баҳслашишга, эгалланган билимларни таҳлил қилишга, қайражада эгаллаганликларини баҳолашга ҳамда тингловчиларни баҳслашиш маданиятига ўргатади.

| | |
|---|---|
| **Ф** | Фикрингизни баён этинг. |
| **С** | Фикрингизни баёнига бирор сабаб кўрсатинг. |
| **М** | Кўрсатилган сабабни тушунтирувчи мисол келтиринг. |
| **У** | Фикрингизни умумлаштиринг. |

## МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

| | |
|---|---|
| **8-мавзу** | **ЎЗБЕКИСТОН ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИДА** |

### 1.1. Таълим бериш технологиясининг модели

| | |
|---|---|
| ***Машғулот вақти*-2 соат** | **Талабалар сони: 40-50 гача** |
| ***Машғулот шакли*** | **ахборотли маъруза** |
| *Маъруза режаси* | **Режа:**<br>28. Мамлакатимиз ташқи сиёсати асосларининг ишлаб чиқилиши ва унинг асосий тамойиллари<br>29. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши<br>30. Республиканинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари билан ҳамкорлиги |
| *Ўқув машғулотининг мақсади:*. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида тўғрисида маълумот бериш. | |

| *Педагогик вазифалар*: | *Ўқув фаолияти натижалари:* |
|---|---|
| • Мамлакатимиз ташқи сиёсати асосларининг ишлаб чиқилиши ва унинг асосий тамойиллари ҳақида маълумот бериш<br>• Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши ҳақида маълумот бериш<br>• Республиканинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари билан ҳамкорлиги ҳақида маълумот бериш | • Мамлакатимиз ташқи сиёсати асосларининг ишлаб чиқилиши ва унинг асосий тамойиллари ҳақида маълумотга эга бўладилар<br>• Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши ҳақида маълумотга эга бўладилар<br>• Республиканинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари билан ҳамкорлиги ҳақида маълумотга эга бўладилар |
| *Таълим бериш усуллари* | *Кўргазмали маъруза, суҳбат, ФСМУ пед.технологиси* |
| *Таълим бериш шакллари* | *Оммавий, жамоавий* |
| *Таълим бериш воситалари* | *Ўқув қўлланма, проектор, қўшимча адабиётлар* |
| *Таълим бериш шароити* | *ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория* |
| *Мониторинг ва баҳолаш* | *Оғзаки назорат: савол-жавоб* |

**1.2.** “Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида” маъруза машғулотининг технологик харитаси

| ***Иш босқичлари ва вақти*** | ***Фаолият мазмуни*** | |
|---|---|---|
| | ***Таълим берувчи*** | ***Таълим олувчилар*** |
| **1. Мавзуга кириш**<br>*(15 дақиқа)* | 1.1. Машғулот мавзуси, режаси унинг мақсади ва ўқув фаолияти натижалари билан таништиради. (1илова)<br>1.2. .Фойдаланиладиган ўқув адабиётлари билан таништиради. (2 илова)<br>1.2. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари билан таништиради *(3-илова).* | Тинглайдилар.<br>Тинглайдилар<br>Тинглайдилар |
| **2. Асосий босқич**<br>(55 дақиқа) | 2.1. Power Point дастури ёрдамида слайдларни намойиш қилиш ва изоҳлаш билан мавзу бўйича асосий назарий жиҳатларини тушунтириб беради (4илова)<br>2.22.3. Талабалар билимларини фаоллаштириш ва мустаҳкамлаш мақсадида ФСМУ технологиясидан фойдаланилади (5 илова)<br>2.3. Талабаларга мавзунинг асосий жиҳатлар | Тинглайдилар, ёзадилар.<br>Талабалар топшириқлар бўйича ишлайдилар<br>Тинглайдилар, |

| | | |
|---|---|---|
| | такрорланади | ёзадилар. |
| **3. Якуний босқич** *(10 дақиқа)* | 3.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради, 3.2 Мавзу юзасидан якунловчи хулоса қилади. 3.3. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаб, берилган адабиётлар билан танишиб келиш топширилади. | Саволлар берадилар. Тинглайдилар. Вазифани ёзиб оладилар. |

**1 илова**

**Мавзу:** Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида

**Режа:**

7. Аҳолини кучли ижтимоий ҳимоялаш – давлат сиёсатининг бош йўналиши
8. Республикада миллатлараро тотувликнинг таъминланиши учун олиб борилган сиёсат
9. Миллий хавфсизлик ва мамлакат мудофаа қобилиятининг мустаҳкамланиши

***Ўқув машғулотининг мақсади:*** Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида бўйича умумий тушунча бериш.

***Ўқув фаолиятининг натижаси:*** Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ҳақида маълумотга эга бўладилар.

**2 илова**

Адабиётлар рўйҳати:


1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Ўзбекистон:миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. –Т.: “Ўзбекистон”. 1-жилд, 1996. 40 – 44, 50 - 61-бетлар.
2. Каримов И.А. БМТ Бош Ассамбелясининг 48-сессиясидаги маъруза. // Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд.47 – 57-бетлар.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон 21-аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. // Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд, 239 – 259-бетлар.
4. Каримов И.А. Минтақада хавфсизлик ва ҳамкорлик учун. // Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. 30 – 38 –бетлар.
5. Каримов И.А. Минтақавий хавфсизликдан ялпи хавфизлик сари.// Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. 56 – 59-бетлар.


**3-илова**

**Маърузада 5 дан 2 баллгача қўйилади. Рейтинг бўйича натижалар баҳоси:**

5 балл - «аъло»
4 балл - «яхши»
3 балл - «коникарли»
2 балл - «қоникарсиз»

**4-илова**

**1-режа**

Мамлакатимиз ташқи сиёсати асосларининг ишлаб чиқилиши ва унинг асосий тамойиллари

21-аср бўсағасида жаҳон тараққиётининг мазмуни тубдан ўзгарди. Икки қутбли дунё барҳам топди, аммо тинчилкка таҳдид солувчи зиддиятлар сақланиб турибди.
Кучлар нисбати аввал 2 жойда жойлашган бўлса, энди кўп қутбли бўлиб қолди.
Давлатлар ўртасидаги нотенглик тенденцияси кучайди.
Кўп мамлакатларда ижтимоий осойишталикка қарши хавф-хатар ўсиб бормоқда.
Минтақада, ҳатто бир давлатнинг ўзида ҳам диний, миллий масалаларда зиддиятлар кучайди. 50 млн.дан ортиқ қочоқларнинг борлиги бунинг исботидир.
Умумий ва минтақавий хавфсизликка қарши диний экстремизм ва фундаментализм хавфи кучайди.
Умумий хавфсизликка халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатликка айрим давлатлардаги муайян кучлар томонидан юритилаётган буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик сиёсати хавф солмоқда.
"Совуқ уруш" сиёсати тугашан бўлса-да, ядровий қуролига эга бўлиш учун ҳаракатлар авж олмоқда.
жаҳон миқёсида атроф-муҳитнинг ифлосланиши даражаси юқорилигича қолмоқда.
Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан ўрин олишидаги шарт шароитлар:
1) Ўзбекистон геосиёсий жиҳатдан анча мураккаб ва шу билан бирга қулай маконда жойлашган, Марказий Осиё минтақасининг транспорт, бой ҳамда мустақил энергетика омиллари марказида жойлашган.
2) Аҳоли сони, илмий-техникавий ва бошқа имкониятлари жиҳатидан минтақадаги қўшнилардан маълум даражада устун туради.
3) Қулай табиий-иқлим шароитига эга. Бу ерда қадимий деҳқончилик маданияти ва бой минерал-хомашё ресурслари бор. Республика озиқ-овқат билан ўзини ўзи таъминлашга, техника экинларининг энг қимматли турларини, жумладан пахта толасини етиштириш ва экспорт қилишга имконияти катта. Шунингдек, жаҳон бозорига юқори сифатли, экологик жиҳатдан соф, рақобатга бардошли мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ҳамда уларни қайта ишланган ҳолда етказиб беришга қодир.
4) Четга маҳсулот чиқарадиган муҳим тармоқларга эга. Ўзбекистонда саноатнинг энг замонавий тармоқлари, дейлик, микрорадиоелектроника каби мураккаб соҳани ривожлантириш имкони бор.
5) Ўзбекистоннинг инсоният цивилизациясида салмоқли ўрни бор. Юртимиз маънавий-тарихий меросга бой. У олдиндан нафақат минтақада, балки дунёда ҳам турли маънавий ва сиёсий жараёнларга, жаҳон цивилизациясига кучли таъсир ўтказиб келган.
Ноқулай ҳолатлар
коммуникациялар номақбул ривож топгани ва унинг тармоқлари
анча бузилган.
2) Сув ресурслари чекланган ва Орол денгизи билан боғлиқ экологик фалокат таъсири сезилади
3) минтақада хавфсизлик тизими алоҳида эътиборни тақозо этади. Бу ерда атрофдаги кучли давлатлар ва сиёсий кучлар марказларининг бир-бирига мос келмайдиган таъсир этиш истаклари борлигини ҳам ҳисобга олмасдан бўлмайди.
4) мусулмон дунёсидаги баъзи мамлакатларнинг бир-бирига мос келмайдиган манфаатлари ҳам айни бизнинг хотиржам бўлишимизга йўл бермайди.
5) атрофимизда турли этник, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа муаммолар ичида қолган «учинчи дунё» давлатлари ҳам мавжуд. Жумладан, беқарорлик ва хавф-хатарнинг бугунги кундаги ўчоғи – Афғонистон, Тожикистон, Қирғизистон давлатлари ҳам шу минтақада.
«Мустақиллик ҳақидаги Баёнот» (1991-йил 31-августда Олий Кенгаш 6-сессияси)
«Халқаро ҳамжамиятнинг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлган Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларда мустақил давлат, халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида қатнашади, унинг мақсадлари мустаҳкам тинчлик, қуролсизланиш, ўз ҳудудини курол-

яроқлардан холи қилиш, ядровий қуролни ва бошқа оммавий қирғин қуролларини йўқотиш, суверен давлатлар ўртасидаги низо ва зиддиятларни ҳал этишда куч ишлатиш ва тазйиққа йўл қўймасликдан иборат», – деб қайд қилинган.

Ўз.Р.Конституцияси

«Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тинчлиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа қоидалари ва меъёрларига асосланади.

Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин» (17-модда).

Президент И.А. Каримовнинг қатор асарларида мустақил ташқи сиёсатимизнинг стратегияси ишлаб чиқилган.

Ўзбекистонни халқаро ҳуқуқнинг субъекти сифатида белгилайдиган, республика ташқи сиёсий ва иқтисодий алоқаларини тартибга солувчи қонунлар мавжуд. Булар:

> “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида”;
> “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”;
> “Чет эл инвестициялари тўғрисида”
> “Хорижий инвесторлар ва ирнвестицияларга кафолат бериш тўғрисида” каби қонунлардир.

Ўбекистон ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари:

Мафкуравий қарашлардан қатъий назар ҳамкорлик учун очиқлик, умуминсоний қадриятларга, тинчлик ва хавфсизликни сафлашга солдиқлик;

Давлатларнинг суверен тенглиги ва чегараларнинг дахлсизлигини ҳурмат қилиш;

Бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;

Низоларни тинч йўл билан ҳал этиш;

Куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик;

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурмат қилиш;

Ички миллий қонунлар ва ҳуқуқий нормалардан халқаро ҳуқуқнингн умумътироф этилган қоидалари ва нормаларнинг устуворлиги;

Давлатларнинг, халқларнинг манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиш, ҳамдўстликларга кириш ва улардан ажралиб чиқиш;

Тажовузкор ҳарбий блоклар ва уюшмаларга кирмаслик;

Давлатлараро алоқаларда тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, давлат миллий манфаатларининг устунлиги;

Ташқи алоқаларни ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама келишувлар асосида ривожлантириш, бир давлат билан яқинлашиш эвазига бошқасидан узоқлашмаслик.

**2 режа**

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши ва халқаро нуфузининг ортиб бориши

Ўзбекистонни 165 давлат тан олган. Дунёдаги 120дан ортиқ мамлакат билан расмий дипломатия муносабатлари ўрнатилган. Тошкентда 35 мамлакат ўз элчихонасини очган.

ЎЗбекистонда 88 та чет давлат ваколатхоналари рўйхатдан ўтган;

24 та ҳукуматлараро ташкилот 13 та ноҳукумат ташкилоти ишлаб турибди.

Ўзбекистон кўплаб халқаро конвенцияларга қўшилган.

1992 йил 2 мартда БМТга аъзо бўлди.

1993 йилда Тошкентда БМТ ваколатхонаси очилди.

1992 йил февралда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлди. 1992 йил 9-10 июлдаги саммитига И.А.Каримов раислик қилган.

1992 йилнинг октябрида Парламентлараро иттифоққа аъзо бўлди.

1999 йил ГУУАМ аъзо бўлди.
2001 йил июнида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо бўлди.
Минтақавий ташкилотлар:
Халқаро валюта фонди, Бутунжакҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Иқтимсодий ҳамкорлик ташкилоти, Осиё ва тинч океан мамалакатлари учун БМТнинг иқтисодий-ижтимоий комиссияси аъзоси.
1993 йил 29 октябрда ЮНЕСКОга аъзо бўлди.
1993 йил сенябрдаги  БМТ БА 48-сессияси
1995 йил октябрдаги  БМТ БА 50-сессияси
2010 йил сентябрдаги 1000 йиллик саммит.
"Жаҳоннинг турли нуқталарида ҳамон давом этаётган урушлар, қарама-қаршиликлар, сақланиб қолаётган давлатлараро, миллатлараро ва динлараро зиддиятлар, мингйиллик ривожланиш деклорациясида таъкидлангандек қашшоқлик, очлик, оналар ва болалар ўлими, эпидемиялар ва инсониятнинг бошқа муаммоларига қарши кураш борасидаги энг жиддий тўсиқлар бўлиб қолмоқда. Ушбу ҳақиқатнинг тасдиғини 30 йилдан буён ҳарбий харакатлар давом этаётган жафокаш Афғонистон мисолида кўришимиз мумкин".
И.Каримов БМТ саммити мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқида
Минтақада хавфсизликни таъминлашнинг асосий шартларидан бири Афғонистонда давом этаётган қуролли қарама-қаршиликни, фуқаровий урушни тўхтатиш, у ерда тинчликни таъминлашдир.
Афғонистонда ҳозирги вазият қандай?
"Толибон" ҳаракати фаоллашмоқда;
Ижтимоий-иқтисодий масалаларга етарли даражада эътибор берилмаяпти;
АҚШнинг ва коалициянинг янги «афғон стратегияси» кутилган натижаларни бермаяпти;
Гиёҳванд моддалар миқдорининг ўсиши (1997 йил - 2800 т., 2008 йил – 7700 т); Гиёҳванд моддаларни етиштиришда  Афғонистоннинг 2 млн. дан ортиқ  дехқонлари иштирок этмокда. Наркотик моддаларнинг ноқонуний йўл билан минтақа мамлакатларига олиб ўтилиши, қуролларни ғайриқонуний йўллар билан тарқатиш, террорчилик ҳаракатларини авж олдириш кузатилмоқда;
Толиблар ва "Аль-Қоида" терористлари Покистон-Афғонистон чегараларида беркинишмоқда;
Муттасил давом этаётган уруш халқнинг аҳволини тобора оғирлаштирмоқда ва муаммосини ҳал этишни янада қийинлаштирмоқда.
Афғон можаросини ҳал қилиш учун 30 йил давомида миллиард-миллиард доллар маблағ сарфланди. Лекин аҳвол ижобий томонга ўзгариш ўрнига, аксинча, мамлакатдаги кескинлик кучайиб бормоқда.
Аввало, маҳаллий халқ қайси миллат ва элатга мансублигидан қатьи назар, бир-бири билан келишиши керак, бунинг учун уларга ёрдам, биринчи навбатда, иқтисодий ёрдам бериш лозим.
Энг муҳими, афғон халқининг миллий урф-одатлари ва маданиятини, диний қадриятларини ҳурмат қилиш зарур. Бошқача айтганда, аввало халқни хурмат қилиш, кейин унга ақл ўргатиш керак.
Бугунги кунда дунёдаги кўпгина давлатлар томонидан Афғонистонга ана шундай ёрдам кўрсатилмокда. Албатта, бу мамлакатда тинчлик ва барқарорлик ўрнатишдан, аввало, унга қўшни бўлган давлатлар манфаатдордир
Ўзбекистон ҳозирги вақтда яқин қўшни давлат сифатида Афғонистонга катта ёрдам бермоқда. Жумладан, 2010 йилда Ўзбекистан бу мамлакатга етказиб бераётган электр энергияси миқдори ўтган йилларга нисбатан 6 баробарга оширилди.

Шу кунларда Ўзбекистоннинг қурувчи ва мутахассислари томонидан "Термиз — Хайратон — Мозори Шариф" темир йўлини қуриш ишлари бошланган, у йил охирига қадар якунига етказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов БМТ саммити Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқида Афғонистон масаласи бўйича ушбу таклифларга аниқлик киритиб, яна бир-бора кўтарди ва жаҳон ҳамжамиятига етказди.

Жумладан, афғон муаммосини харбий йўл билан ҳал бўлмаслиги таъкидланди;

Муқобил йўллардан бири “6+3” мулоқот гуруҳини ташкил этилиши;

Афғонистонликлар ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда Афғонистонда урушнинг тугаши ва унинг барқарор келажагидан манфаатдор мамлакатлар кўмагида ўзлари ҳал этишлари даркорлиги;

Бир-бирига қарши курашаётган харбий харакатларни тўхтатиш дастурини ишлаб чиқиш зарурати;

Асосий муаммо ва зиддиятлар бўйича ўзаро муроса асосидаги ечимларни топиш кераклиги;

Хавфсизликни таъминлаш ҳамда барча тамонларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда зарур кафолатларни бериш зарурлиги;

Ишлаб чиқилган махсус дастур асосида иқтисодий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий, инфратузилма ва гуманитар лойхаларни амалга ошириш, аҳоли бандлиги муаммоларини, қашшоқлик, хуқуқсизликка қарши кураш бўйича энг долзарб вазифаларни ҳал этишга алоҳида эътибор бериш кераклиги;

Кўп асрлик анъаналар, урф-одатлар, ислом динининг қадриятлари тўлиқ хурмат қилинишига эришиш зарурлиги эътироф этиш.

Мамлакат жанубида миллатлараро қонли ва шафқатсиз воқеалар бўлиб, натижада юзлаб бегуноҳ одамлар қурбон бўлди, минглаб тинч аҳоли жабр кўрди.

Улар бундай вазиятдан манфаатдор бўлган учинчи кучлар томонидан пухта ўйланган ва уюштирилган акциянинг қурбонига айландилар.

Бундай нохуш ҳолатларнинг рўй беришига обрў-эътиборини йўқотган президент ҳокимиятини ағдарилиши, юзага келган кескинлик ва қарама-қаршиликлар, мамлакатда қонуний ҳокимиятнинг заифлиги сабаб бўлди.

Узоқни кўзлаб амалга оширилган бу акциядан мақсад мамлакатда нафақат тартибсизлик ва парокандаликни юзага келтириш, балки Ўзбекистонни ушбу ваҳшиёна хунрезликка тортиш, пировард натижада, миллатлараро қарама-қаршиликни икки қўшни мамлакат Қирғизистон ҳамда Ўзбекистон ўртасидаги давлатлараро қарама-қаршиликка айлантиришдан иборат бўлди – деб таъкидланди.

11-14 июнь кунлари Қирғизистон жанубида содир этилган талон-тарожлар, хунрезлик ва зўровонликлар бўйича мустақил халқаро текширув ўтказиш, ушбу қонли ваҳшийликларнинг барча буюртмачилари, ташкилотчилари ва ижрочиларини жиноий жавобгарликка тортиш янада муҳим вазифа эканлиги.

Бундай позициядан ҳар-қандай чекиниш Қирғизистон жанубида фожиали воқеаларнинг яна такрорланиши, ўта хавфли кескинлик манбаининг пайдо бўлишига олиб келиши мумкинлиги.

Шу муносабат билан БМТдан фожиали воқелар юзасидан мустақил халқаро текширувлар ўтказиш борасида ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш сўралди.

Трансчегаравий дарёлар сув заҳираларидан оқилона фойдаланиш муаммолари

Асрлар давомида Амударё ва Сирдарё минтақа аҳолисини сув билан таъминлаб келмоқда;

Рогун ГЭСи (ўта баланд тўғон, сейсмик зона, йиллаб сувни тўплаш имконияти, экологик хавфи);

Қамбарота ГЭСи;

ГЭСлар атрофидаги геосиёсий ўйинлар: Россия-Қирғизистон келишувлари;
Ўзбекистон позицияси (биз ГЭСлар қурилишига қарши эмасмиз. Лекин БМТ шаъфелиги остида холисона халқаро экспертиза ўтказилиши шарт ва 2 саволга жавоб берилиши керак: қурилаётган ГЭСлар натижасида дарёлардаги сув оқимининг ҳажми ва режими ўзгармайдими ва минтақадаги экологик вазиятга хавф туғилмайдими?);
Россиядаги Саяно-Шушенск ГЭСидаги фалокат.
"Бундай шароитда 30-40 йил аввал, собиқ совет даврида ишлаб чиқилган, мазкур дарёлар юқори қисмида улкан гидроиншоатларни қуриш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга ҳар қандай уринишлар, боз устига ушбу иншоатлар барпо этиладиган зоналарнинг сейсмик хавфи 8-9 баллни ташкил этишини ҳисобга олсак, буларнинг барчаси экологияга ўнглаб бўлмайдиган зарар етказиши ва хавфли техноген ҳалокатларга олиб келиши мумкинлиги аён бўлади.
... нисбатан хавфсиз, аммо анча тежамкор кичик ГЭСлар қурилишига ўтиш оқилона йўл бўлур эди".
Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг
БМТ саммити Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқидан.

**3-режа**

Республиканинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари билан ҳамкорлиги 1991 йил 8 декабрь - Минскга яқин Беловежское Пушче Россия, Украина, Белорус МДҲни тузиш ҳақида шартнома имзолади 1991 йил 13 декабрда Ашгабадда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон Президентлари учрашиб Баёнот билидириб МДҲга таъсис этувчилар мақомида киришга тайёр эканликларини билдирдилар.
МДҲ 21 декбрь 1991 йил Алматида бўлиб ўтган 11 та давлат раҳбарларининг йиғилишида таъсис этилди. 1993 йил унинг Устави қабул қилинди. МДҲ мамлакатларининг иқтисодий интеграциясидаги жараёнлар муқаррарлиги ва бу албатта эртами, кечми яна кун тартибига кириши табиийдир.МДҲга аъзо мамлакатлар
Россия
Украина
Белорус
Қозоғистон
Ўзбекистон
Қирғизистон
Тожикистон
Туркманистон
Азарбайжон
Арманистон
Молдова
Грузия 1993 йил 23 декабрда (Ашгабад кенгаши) қабул қилинган , 2008 йил МДҲдан чиққан1993 йил 22 январда Минскда ва шу йили 24 сентябрда Москвада иштирокчи давлатлар Иқтисодий иттифоққа босқичма-босқич ўтиш Декларациясини имзоладилар (Давлатлараро Иқтисодий Қўмита таъсис этилди). 1994 йил МДҲ ривожланишида дастлаб «Эркин савдо зонасини тузиш» тўғрисидаги битимнинг имзоланди.Шу йилнинг ўзида «МДҲ мамлакатларининг божхона қонунчилиги Асослари» қабул қилинди.Кейинги босқич 1996 йиллардан бошлаб кенг тус олаётган минтақавий гуруҳ давлатларнинг интеграцион интилишларида намоён бўлади. 1996 йил Россия, Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон давлатлари «иттифоқи», 1997 йил Россия-Белоруссия иттифоқлари тузилди.
1993 йили МДҲ мамлактларининг иқтисодий интеграциядаги асосий йўналишлари келишиб олинган бўлишига қарамасдан ҳозирги кунга қадар кўп масалалар ҳал этилганча йўқ. Аммо ягона транспорт, энергетика божхона, телекоммуникация, алоқа тизимлари, газ ва нефть узатиш ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик муқаррар.Россия, Қозоғистон, Белорусь, Қирғизистон ўртасидаги эркин божхона муҳитини шакллантириш бўйича катта

уринишлар қилинмоқда. Ҳозирги кунга келиб МДҲ мамлакатларидаги ўзаро товар алмашиш ялпи товар алмашувида 30 – 40 % ни ташкил этмоқда.

**5-илова**

“Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши” мавзуси бўйича

***ФСМУ технологияси***

**(Ф)** – Фикрингизни баён этинг.

**(С)** – Фикрингиз баёнига бирон сабаб кўрсатинг.

**(М) –** Кўрсатилган сабабни тушунтирувчи мисол келтиринг.

**(У)** – Фикрингизни умумлаштиринг.

Ушбу технология тингловчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга, эгалланган билимларни таҳлил қилишга, қайражада эгаллаганликларини баҳолашга ҳамда тингловчиларни баҳслашиш маданиятига ўргатади.

| | |
|---|---|
| **Ф** | Фикрингизни баён этинг. |
| **С** | Фикрингизни баёнига бирор сабаб кўрсатинг. |
| **М** | Кўрсатилган сабабни тушунтирувчи мисол келтиринг. |
| **У** | Фикрингизни умумлаштиринг. |

# СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРНИНГ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

| | |
|---|---|
